БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

42-йил чиқиши № 171 (11.617) | 24 июль, якшанба, 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

ПЛЕНУМ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ ЕТТИ ОЙЛИК ПЛАННИ БАЖАРДИ

Ўзбекистон ССР саноат корхоналарининг ходимлари КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми шарафига бошланган мусобақани авж олдириб, янги муваффақиятларга эришдилар ва ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ҳамда маҳсулотнинг кўпчилик асосий турлари бўйича етти ойлик планни муддатидан илгари, 21 июлда бажардилар.

Шу ойнинг охиригача пландан ташқари кўпгина миқдорда пўлат, прокат ишлаб чиқарилади, кўмир ва нефть чиқарилади, электр энергияси, минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади, пахта териш машиналари, трактор культиваторлари, кимёвий асбоб-ускуналар, компрессорлар, кабель маҳсулотлари, цемент, ип ва шойи газламалар, трикотаж буюмлари, чарм пойафзал, ўсимлик мойи ишлаб чиқарилади, гўшт ва бошқа турдаги маҳсулотлар етиштирилади.

Кўпгина саноат корхоналари бир қанча буюмлар ишлаб чиқариш жиҳатидан халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планининг контроль рақамларида 1961 йил учун мўлжалланган даражага 1960 йилдаёқ эришмоқ учун курашмоқдалар.

АЗИЗ, МЕҲРИБОН ВА БУЮК КУЧ

Бизнинг ҳаётдаги энг хушбўй, энг асл гуллардан асал йиғувчи асаларилар сингари жудаям тиришқоқ, ғоят меҳнаткаш бўлган ўртоқларимиз бор. Булар — оналаримиз, хотинларимиз, опа-сингилларимиз, қизларимиздир. Юртимизни ясатишда, рўзғоримизни маъмур қилишда фаол қатнашаётган, бола-чақамизни бағрига босиб ўстираётган ана шу эркин ва азиз, одобли ва вафодор, оқила кишиларсиз бизга ҳеч нима татимайди. Совет хотин-қизлари коммунизмнинг актив қурувчиларидир, маънавий ва моддий бойликларни яратувчилардир.

Заводларга, фабрикаларга борсангиз, нафис газламалар тўқиётган, пишиқ пойафзаллар тикаётган, бежирим кийим-кечаклар тайёрлаётган чеварларни кўрасиз. Ҳозир Ўзбекистон саноат корхоналарида 130 мингдан ортиқ хотин-қизимиз ишлаб турибди. Ўзбек ишчилар синфи ўзининг шу зарбдорлари билан ҳақли равишда фахрлана олади.

Ўз меҳнати билан қишлоқларга файз киритаётган, «оқ олтин» етиштираётган, сигир согаётган, бўрдоқи боқаётган хотин-қизларимизга эл-юрт таҳсин айтяпти. Улар турмуш яна ҳам ширин бўлсин деб мамлакатга янада кўпроқ пахта, дон, пилла, сут, ёғ етиштириб беришмоқда.

Илм бобида қунт билан ишлаётганлари ҳам кўп. Республика хотин-қизларидан 600 дан кўпроғи фан кандидати, 20 киши фан доктори деган илмий даражага эга. Неча минглаб хотин-қиз муаллима. Улар энди маърифат чироқларини ўз қўллари билан ёқмоқдалар.

Ҳунармандларимизни санаган билан адоғ бўлмайди: раққоса ё адиба дейсизми, рассом ё бастакор дейсизми, ҳамшира ё кутубхоначи дейсизми, савдо ходими ё «боқча опа» дейсизми, — беҳисоб. Бугина эмас. Хотин-қизларимиз давлат арбобари ҳамдир. Ўзбекистон хотин-қизларидан 16 нафари СССР Олий Совети парламентида ишлаяпти. 129 нафари республика Олий Совети депутатлиги значогини таққан. 20 мингдан ортиғи маҳаллий Советларга депутат.

Ҳа, чиндан ҳам хотин-қизларимизнинг бахти очилди. Ўтмишда «ақли калта» деб таҳқирланган хотин-қизларимиз Улуғ Октябрь қуёшидан тўйиб нур эмди, тенг ҳуқуқли бўлди, ҳаётга кириб борди, ҳамма соҳада дадил қадам қўймоқда. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати уларга иззат-икромни ошириб, мартабаларини баланд қилди. Аёлларимиз салкам қирқ уч йилдирки, ожизалик ва чўрилик номини улоқтириб ташлаб ҳур яшамоқдалар. Бахт калиди уларнинг ўз қўлларида. Нима иш тутсалар барака топадилар. Кишилик тарихида совет тузумидагидек, социалистик ҳаётдагидек уларбоп шарт-шароит, имконият ҳеч қачон бўлмаган. Мақсадимиз — хотин-қизлар бундан янада кўпроқ фойдалансинлар, етти йиллик зафар майдонида янада жавлон урсинлар!

Республикамизда хотин-қизлар билан ишлаш кун сайин кучайиб боряпти. Партия ташкилотлари уларни ғоявий чиниқтириш, сиёсий етук қилиш, иктимоий фойдали ишга тортиш соҳасида диққатга сазовор кўп тадбирларни қўлладилар. Анчагина хотин-қизларимиз раҳбарлик лавозимларига кўтарилди. Жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоларига паст назар билан қаровчилар қаттиқ тийиб қўйилмоқда. Бироқ, бу, ҳали етарли эмас.

Хотин-қизларга ғамхўрликни янада кучайтириш, буни энг муҳим сиёсий иш деб билиш зарур. Афсуски, баъзи партия ва совет ташкилотларидаги айрим раҳбарлар хотин-қизлар билан зўр бериб ишлаш даркорлигини бирон кўнгилсиз ҳол юз берганидагина эслаб қоладилар-да, кейин соатлаб, кунлаб мажлисбозлик қиладилар, узундан узоқ қарорлар чиқарадилар, ҳар хил тадбирларни қалаштириб ташлайдилар. Самарқанд ва Бухоро областларида шундай ҳоллар юз берди. Хотин-қизлар билан ишлашда кампаниячиликка йўл қўймай, бу иш билан кун сайин шуғулланиш керак.

Хотин-қизларимизнинг оилавий ҳаётини, беташвиш ишлашини доим назарда тутишимиз керак. Турмушимиз, болажонлигимиз яслилар ва боғчалар сонини тез орада кўпайтиришни, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишини тубдан яхшилашни, магазиналарда уй ишини енгиллаштирадиган рўзғор ашёларининг ҳаммаси бўлишини тақозо қиляпти. Республика министрликлари, «Ўзбекбирлашув», область, шаҳар ва район ижроия комитетлари бу масалага жиддий эътибор беришлари лозим.

Редакцияга келаётган хатлар прокуратура ва суд органларида болалар нафақасини ундириш билан боғлиқ иш пайсалга солинаётганлигини, бунга баъзан жуда хотиржамлик билан қаралаётганлигини, хотин-қизларнинг иззат-нафсини ерга урувчи, ғашига тегувчи шахсларга гоҳо кўнгилчанлик қилинаётганлигини кўрсатиб турибди. Бу масалаларга сезгирлик билан қараш керак.

Азиз ва меҳрибон, меҳнати бол хотин-қизларимиз қаторимизда бўлганлиги, оналикдай муқаддас бурчини ўтаётганлиги, буюк меҳнаткашлиги билан ҳаётни бойитаётганлиги жуда қувончлидир. Ана шу коммунизм жонбозларига ҳамма вақт меҳрибон бўлайлик!

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан олинадиган солиқларни бекор қилиш тўғрисида СССР Олий Советининг бешинчи сессияси қабул қилган Қонунни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни қараб чиқди.

Ойига 500 сўмгача иш ҳақи оладиган ишчи ва хизматчилардан солиқ олиш 1960 йил 1 октябрдан бошлаб тўхтатилади. 500 сўмгача иш ҳақи олувчи ишчи ва хизматчилардан сўнгги марта олинадиган солиқ 1960 йил октябрь ойининг биринчи ярми учун иш ҳақи бериш вақтида 1960 йил сентябрь ойининг иш ҳақидан ушлаб қолинади.

Айни бир вақтда бу Қонунга мувофиқ, СССР Министрлар Совети асосий иш жойида ойига 501 сўмдан 600 сўмгача иш ҳақи оладиган ишчи ва хизматчилардан олинадиган даромад солиғи ҳамда СССРнинг бўйдоқ, якка ва кам оилали гражданларидан олинадиган солиқнинг камайтирилган ставкаларини тасдиқлади.

Солиқнинг камайтирилган янги ставкалари жорий қилиниши солиқларнинг амалдаги миқдорини ўрта ҳисобда 40 процент камайтиришни таъминлайди. Камайтирилган ставкалар бўйича биринчи марта солиқ 1960 йил октябрь ойи иш ҳақи юзасидан олинади.

Бу тадбирлар амалга оширилиши натижасида ишчи ва хизматчиларнинг ана шу группаси қўлига тегадиган иш ҳақининг миқдори йилига 3,6 миллиард сўм ортади.

Шундай қилиб, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан олинадиган солиқларни бекор қилиш тўғрисидаги Қонун шу йилда амалга оширила бошлайди. Бу эса, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада ошириш учун катта аҳамиятга эгадир.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ДЎСТЛАР, СИЗЛАРГА КАТТА ЮТУҚЛАР ТИЛАЙМИЗ

Тожикистон пахтакорларининг бригадаси Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё областларидаги колхоз ҳамда совхозларнинг пахта далаларидаги аҳволни текшириб чиқди. Ана шу вақт мобайнида биз 40 та районда, шу райондаги колхоз ва совхозларнинг қарийб ҳаммасида бўлдик.

Биз илғор хўжаликларнинг қимматли тажрибалари, шу хўжаликларда ишлаб чиқаришнинг ташкил қилиниши, оммавий-сиёсий ва ташкилий ишларнинг аҳволи, колхозчиларга ва совхозларнинг ишчиларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш масалалари билан жуда қизиқиб танишдик. Икки республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ўзаро текширишида пахтадан ва бошқа экинлардан юқори ҳосил етиштириш, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасидаги тажрибаларни ўрганишдик.

Бригадамиз Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари етти йиллиқнинг иккинчи йилида ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажариш учун астойдил курашиб, бу курашда яхши натижаларга эришаётганликларини зўр мамнуният билан қайд қилиб ўтади. Республика КПСС Марказий Комитети июль Пленумини муносиб кутиб олиш учун курашиб, давлатга қоракўл тери ,тухум ва дон сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини, шунингдек гўшт сотиш йиллик планини бажарди. Ўтган йилнинг шу даврига қараганда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари анча кўп сотилди.

Шу нарса қувончлики, республикада ишлаб чиқариш ва маданий-маиший биноларни қуриш кенг тус олган, чорвачилик фермалари, маданият уйлари, интернат-мактаблар, касалхона, болалар боғча ва яслилари, дала шийпонлари, колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари учун уй-жой қурилмоқда. Янги ерларни ўзлаштириш соҳасида катта ишлар қилинаяпти, янги совхозлар, молларни бўрдоқига боқиш базалари ташкил этилмоқда, ҳамма жойда саноат аҳамиятига эга боғлар барпо қилинмоқда, янги йўллар қурилмоқда ва мавжуд йўллар равон қилинмоқда.

Республикада ғўза, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилишнинг прогрессив усулларини жорий қилиш юзасидан катта иш амалга оширилаётир, ишлаб чиқаришни уюштиришнинг янги формалари кенг тарқалмоқда — кўплаб трактор далачилик бригадалари тузилган. Катта майдонларда чигит квадрат-уялаб экилган, деярли ҳамма майдондаги ғўза икки томонлама ишланяпти.

Ўзбекистон пахтакорлари об-ҳаво шароитининг ноқулай келиши натижасида ғўзанинг ривожланишдан кейинда қолишини тугатиш учун жуда катта иш қилганлар. Катта майдонларда ғўза тупларининг нормал қалинлиги таъминланган. Кўпгина колхоз ва совхозларда ўсимликни маҳаллий ўғит билан озиқлантириш яхши ташкил этилган, ғўзани «шарват» билан ва бошқа органик-минерал ўғит аралашмаси билан суғориш, озиқлантириш кенг тус олган.

Тошкент областининг Сирдарё, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Самарқанд областининг Жиззах, Сурхондарё областининг Чироқчи ва Жарқўрғон районларида умуман олганда ғўзанинг аҳволи яхши.

Янги ер шаҳридаги «Коммунизм» колхози ва 1-«Боёвут» совхози, Чиноз районидаги Киров номли, Бекобод районидаги Дзержинский номли, Пискент районидаги Тельман номли колхозлар, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози, Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли ва «Политотдель», Каттақўрғон районидаги Хрушчев номли, Хатирчи районидаги «Москва», Пахтакор районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Сталин номли, Норпой районидаги Карл Маркс номли, Оқдарё районидаги Карл Маркс номли, Иштихон районидаги «8 март» ва Куйбишев номли, Пойариқ районидаги Куйбишев номли, Пастдаргом районидаги «Москва», Сариосиё районидаги Сталин номли, Денов районидаги Генерал Раҳимов номли, Яккабоғ районидаги «Коммунизм», Шаҳрисабз районидаги Карл Маркс номли, Китоб районидаги «Партия XIX съезди» колхозларида ва бошқа хўжаликларда ғўзанинг барқ уриб ўсиши таъминланган. Биз уста пахтакорлар бошлиқ бўлган трактордалачилик бригадаларининг иши билан: Чиноз районидаги Киров номли колхоздан Турсуной Охунова, 1-«Боёвут» совхозидан Шарофат Бозорова, Гулистон районидаги Ленин номли колхоздан Ғанишер Юнусов, Пискент районидаги Тельман номли колхоздан Ҳаким Қодиров, «Оққўрғон» совхозидан Тошмамат Алижонов, Пахтакор районидаги Охунбобоев номли колхоздан Рамазон Эргашев, Пойариқ районидаги «Москва» колхозидан Қултой Нариманов, Денов районидаги Генерал Раҳимов номли колхоздан Навбатхон Раҳматова, Пастдаргом районидаги Сталин номли колхоздан Жонбиби Имомова ўртоқлар бошлиқ ва бошқа бригадаларнинг ишини зўр қизиқиш билан кўздан кечирдик.

Мазкур ва бошқа районларда, хўжаликларда ва бригадаларда эришилган ютуқлар партия ва совет ташкилотлари томонидан амалга оширилган катта ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларнинг натижасидир. Улар ҳар бир колхозчи, совхознинг ҳар бир ишчиси ўз олдида қандай вазифа турганлигини яхши тушунишига ва қабул қилинган мажбуриятларни бажаришдан иборат умумий ютуққа ўз муносиб ҳиссасини қўшиш учун астойдил ишлаш нияти билан тўлиб тошишга эришганлар.

Биз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари тўғрисида зўр меҳрибончилик қилинаётганлигини кўрдик. Тошкент областидаги кўпгина колхозларда, шунингдек Жиззах, Оқдарё, Хатирчи, Чироқчи ва бошқа районлардаги колхозларда дала шийпонлари, болалар муассасалари, медицина пунктлари яхши жиҳозланган.

Тожикистон пахтакорларининг бригадаси юқоридаги ютуқлар билан бир қаторда текшириш вақтида аниқланган камчиликларни ҳам айтиб ўтишни ўз бурчи деб ҳисоблайди.

Биз бўлган областлардаги кўпгина майдонда ғўза ўсиш ва ривожланишдан анча кейинда қолган, бу ердаги экин энди ҳосилга кира бошлаган. Лекин шунга қарамасдан, кўпгина районларда, колхозларда ва совхозларда кейинги вақтда иш бўшашиб кетган.

Гулистон, Бекобод, Бўка, Оққўрғон, Иштихон, Норпой, Булунғур, Шўрчи, Денов, Шаҳрисабз районларидаги кўпгина колхозларда ғўза қатор ораларини ишлашга эътибор бўшаштириб юборилган. «Бўка», 2-«Далварзин», «Фарҳод», «Пойариқ» совхозларида аҳвол айниқса оғир. Бу хўжаликларда ғўза парваришида трактор паркидан яхши фойдаланилмаяпти, кўп жойларда ғўзани кўндалангига культивация қилиш тўхтатиб қўйилган, культивациянинг тегишли кенгликда ва чуқурликда ўтказилишига эътибор қилинмаётир. Кўпгина колхозларда тракторларга тўсқичлар ўрнатилмаган, шунинг натижасида ғўзалар юлиниб, кўсаклар узилиб кетмоқда. Ана шу районлардаги колхоз ва совхозларда культивация ер оқариб кетгандан кейин ўтказиляпти.

Гулистон, Чиноз, Янги ер, Қуйи Чирчиқ, Булунғур, Жомбой, Жиззах, Шўрчи, Ангор районларида, «Бўка» ва «Фарҳод» совхозларида ҳосил тўплашнинг шу масъулиятли даврида ғўзани қондириб суғоришга етарли эътибор берилмаяпти.

Шу билан бирга, Бекобод, Сирдарё, Пискент, Денов, Сариосиё районларида, «Оққўрғон» ва 3-«Боёвут» совхозларида ғўза ҳали ҳам азот билан озиқлантириляптики, эндиликда бунинг фойдаси йўқ. Лекин кўпгина

(Давоми учинчи бетда)

КОНЧИЛАР БИРИНЧИ САФДА БОРАДИЛАР

ИНГИЧКА (Самарқанд области), 22 июль (ЎзТАГ). Ингичка вольфрам конининг энг ёш корхонаси 1-«Капитальная» шахтасини янги механизмлар билан таъминлаш давом эттирилмоқда. «КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми ишлаб турган кунларда проходкачилар учта янги конни ишга туширдилар. Бу конлар август ойида руда бера бошлайдилар.

Кончилар КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини ғоят баланд руҳ билан муҳокама қилмоқдалар. Пленум ишининг якунларига бағишланган йиғилишда тезкор пармалаш мастери Фавзи Аванилов бундай деди:

— Пленум материалларини ўқир экансан, қалбинг севинчга тўлади. Совет кишилари олдида нақадар улуғвор истиқболлар очилмоқда!

Бизнинг конимиз даштнинг энг чеккасида жойлашган. Аммо бу ерда ҳам техника тараққиёти учун кураш тиммай давом этиб турибди. Шахтамизда ер устида вагончаларни алмаштирадиган ярим автомат линия монтаж қилиниб бўлди. Учинчи ва тўртинчи конларда ҳам ана шундай линиялар ўрнатилмоқда. Забойларда рудани ортиш ишлари механизациялаштирилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми Ватанимизнинг техника тараққиёти йўлидан тағин ҳам олға боришнинг кенг программасини белгилаб берди. Кончилар социалистик ишлаб чиқариш новаторларининг биринчи сафларида бориш учун ўз кучларини аямайдилар.

КЕНГАШ ЗАЛИДАН

ДЎСТЛАР ГУРУНГИ

Келажак разведкачиларининг — Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари мусобақаси илғорларининг кечагина тамом бўлган йиғинида республикамизнинг турли область ва районларидан келган дўстлар учрашдилар. Улар ўз тажрибаларини кенгаш минбаридан туриб ҳикоя қилиш билангина чекланиб қолмадилар. Мажлислар ўртасидаги танаффус вақтида Навоий номли театрнинг фоеларидаги тўлқинли, жонли суҳбатларни кўрган киши ҳаяжонга тушмай қолмас эди. Бу ерда Ингичка ва Қўйтош кончилари, Андижон ва Бухоро нефтчилари ҳамда газчилари, Тошкент ва Андижон пахтакорлари, Самарқанд ва Бухоро чўпонлари, Қорақалпоғистон ва Хоразм сут согувчилари, Фарғона ва Сурхондарё нефть тозаловчилари ўз мусобақадошлари ва дўстлари билан қучоқ очиб кўришдилар, бир-бирларининг ишлари билан қизиқадилар, ютуқларини эшитиб, таҳсин ўқийдилар.

Бекободлик Саид Нуриддиновнинг номи ҳамманинг тилида. У коммунизм пионерларининг олдинги сафида бораяпти.

Кенгаш қатнашчилари эски дўстлари билан обдан суҳбатлашиб, янги дўстлар ҳам орттириш пайига тушадилар. Эркак ва аёлларнинг катта бир давраси Ингичка конининг тош тешувчи машинасини бошқарувчи Раббим Қаршиев, намангланлик бинокор Шариф Раҳмонов, Қорақалпоғистондаги Беруний номли совхознинг сут согувчиси Ёқут Йўлдошева ва бошқалар тўпланишган. Ҳар ким ўз касби тўғрисида, ўз коллективининг иши, зафарлари ва режалари тўғрисида сўзлайди...

— КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган июль Пленуми қарорларида худди менинг кўнглимдаги гапларни айтилган, — дейди Раббим Қаршиев. — Бундан етти йил муқаддам мен армиядан қайтиб, шу конга ишга кирганимда шахтадаги кўп ишлар қўл кучи билан бажарилар, ҳатто асосий иш қуроли белкурак ҳисобланарди. Коммунистик партиямиз ғамхўрлигида кондаги ҳамма оғир ишларни аста-секин механизациялаштириб бордик. Ҳозир белкурак ушлаган биронта кишини учратмайсиз. Биз жуда серунум ва ақлли машиналарни бошқарib турамиз, холос. Бундан буён июль Пленуми қарорларини қунт билан амалга ошира бориб, ишларни яна ҳам механизациялаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва шу йўл билан Ватанимиз бойлигига кўпроқ бойлик қўшиш учун курашаверамиз.

— Ҳамма касбнинг ўз гашти, фазилати бор. Партия ва ҳукуматимиз бинокорларнинг меҳнатига айниқса юксак баҳо бермоқда, — дейди Шариф ака Раҳмонов. — Бизнинг бутун фикр-ўйимиз совет кишиси яхши ва қулай бинолларда яйраб-яшаши деймиз. Ҳувиллаб ётган бир жойда ҳаш-паш дегунча қарасангиз дўппингиз бошингиздан тушадиган баланд бинолар барпо бўлиб қолади. Рўзғор учун керакли ҳамма нарсаларни муҳайё қиламиз-у, уйнинг калидини меҳнаткашларга беramиз. Лекин қурилиш материаллари бир оз етишмай қолиб, етишса ҳам, сифати кўнгилдагидек бўлмай, баъзан қўлимиз ушланади, дилимиз ранжийди. Чунки, биз қурадиган биноларда коммунизм гражданлари яшамоғи керак, бу биноларнинг юз йиллар эмас, минг йилларга чидамоғи керак.

Йиғилганларнинг ҳаммаси бу тажрибали бинокорнинг сўзларини маъқуллашади. Унга биноларни тез ва сифатли қилиб қуришда муваффақиятлар тилашади. Бир чеккада тортиниб турган соддагина Ёқутхонни суҳбатга тортишади. У ўз ютуқлари тўғрисида сўзлашни унча ёқтирмас экан. Лекин атрофдан саволлар ёғдириб, унинг ишларини билиб олишди. У 20 сигирга қарар экан. Йил бошида ҳар сигирдан 3000 литрдан сут согиб олиш мажбуриятини олиб, ҳозиргача 2300 литрдан сут согибди. Қорақалпоғистон Автоном республикаси ишлаб чиқариш илғорларининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида йил охиригача ҳар бир сигирдан яна 1500 литрдан сут согиб олишга ваъда бериби.

Кенгашга келган ҳар бир йиғит ва қизнинг дилида ўзининг бир гани, тилида коллективи яратган янгилик ва келгусида амалга ошириладиган орзулари бор. Дарҳақиқат бу йиғинга республикамиз илғорларининг гули тўпланган. Улар ўзининг унумли меҳнати, ақл-заковати ва хулқ-атвори билан коммунизм ғалабасини яқинлаштираётган кишилардир.

Саноат корхоналари ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда олижаноб мақсад билан меҳнат қилаётган қаҳрамонларимиз бундан кейин яна ҳам унумлироқ меҳнат қилишга, ўқишда, юриш-туришда ҳаммага ибрат бўлишга аҳду паймон қилишиб, бир-бирлари билан хайрлашдилар.

С. ТОИРОВ.



КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорлари «Ташавтомаш» заводи коллективини янгидан-янги ижодий ишларга руҳлантирди. Яқинда бу ерда «ГАЗ—51» машинасининг двигателлари учун деталлар ишлаб чиқарувчи иккита поток линия ишга туширилди. Бу линияда йил охиригача 10 мингтага яқин детал ишлаб чиқарилади. СУРАТДА: ишлаб чиқариш участкасининг умумий кўриниши.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИГА ҲУКУМАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

22 июлда Тошкентда коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари комини олиш учун бошланган мусобақа илғорлари биринчи республика кенгаши қатнашчиларидан катта бир группасига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида металлург ва машинасозлар, шахтёр ва нефтчилар, қурувчи ва тўқимачилар, пахтакор ва чорвадорлар тўпландилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари И. В. Бабков мукофотлаш ҳақидаги Фармонни ўқиб беради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова мукофотларни топширар экан, коммунистик меҳнатнинг ғалабаси учун бошланган шонли ҳаракат қатнашчиларининг қўлларини дўстона қисади.

Намангандаги 161-қурилиш трести комплекс бригадасининг бошлиғи Ш. Раҳмонов, Самарқанд станциясининг тарозивони А. Соловьева, Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг мастери К. Тошматов ва «Нукус» совхозининг сут согувчиси К. Шомуродовалар мукофотланганлар номидан нутқ сўзладилар.

Етти йиллик новаторлари ўзларининг қисқа, бироқ таъсирли нутқларида мукофот учун жонажон партия ва ҳукуматга қизғин ташаккур изҳор қилиб, тағин ҳам яхшироқ, тағин ҳам фидокорона ишлашга ҳаракат қилиб, етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшажаклари ҳақида гапирдилар.

Ўртоқ Е. С. Насриддинова Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети номидан мукофотланганларни қизғин табриклади.

Сиз орқали, азиз ўртоқлар, деди у, биз коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари ватанпарварлик ҳаракатининг барча қатнашчиларини — Ўзбекистон ишчилар синфи ҳамда колхозчи деҳқонларининг шонли отрядини табриклаймиз ва қутлаймиз. Коммунистик меҳнат ҳаракатининг қатнашчилари мамлакатимизда коммунизм барпо этиш соҳасидаги улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун олиб борилаётган курашнинг энг олдинги сафларида бормоқдалар.

Ўртоқ Е. С. Насриддинова мукофотланганларнинг ҳаммасига сиҳат-саломатлик ва уларнинг шахсий турмушида катта бахт-саодат тилаб, шу нарсага ишонч билдирдики, республика саноати, транспорти, қурилиши ва қишлоқ хўжалигининг илғорлари ўз постларида шавкатли меҳнат қилиб, етти йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажаришга, техника тараққиёти суръатларини тезлатишга муваффақ бўладилар ҳамда севикли Ватанимизнинг тағин ҳам равнақ топиши ҳамда унинг қуч-қудратини мустаҳкамлаш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Етти йиллик илғорларига мукофотлар топшириш вақтида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Қ. М. Муртазоев, Ўзбекистон касаба союзлари Советининг раиси С. Н. Нуриддинов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Иброҳимов ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

«Халқларнинг бахт-саодати ва ёрқин келажаги йўлида мустаҳкам тинчлик учун»

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Бутунроссия ўқитувчилар съездида 1960 йил 9 июлда сўзлаган «Халқларнинг бахт-саодати ва ёрқин келажаги йўлида мустаҳкам тинчлик учун» нутқи текстини алоҳида брошюра қилиб нашр этди.

Кўп нусхада босилган ана шу брошюрада Бутунроссия ўқитувчилар съездининг резолюцияси ҳам бор. Резолюцияда Совет ҳукуматининг ташқи сиёсати қизғин маъқулланади ва қўллаб-қувватланади.

(ТАСС).

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ—БОШ ШИОРИМИЗ

МИНБАРДА — КЕЛАЖАК РАЗВЕДКАЧИЛАРИ

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ БРИГАДАЛАРИ ВА ЗАРБДОРЛАРИ НОМИНИ ОЛИШ УЧУН МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

В. ПИДИНОВА нутқидан

(Тошкент тўқимачилик комбинатининг бригада бошлиғи)

1960 йил 27 май куни мамлакатимиз тарихига абадий ёзилиб қолади. Шу куни Катта Кремль саройида коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари номини олиш учун мусобақа илғорларининг Бутуниттифоқ кенгаши очилди. Бу кенгашда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоларининг иштирок этганлиги ва Н. С. Хрушчевнинг ажойиб нутқи партия ва ҳукуматимизнинг коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг ватанпарварлик ҳаракатига нақадар катта аҳамият бераётганлигини аққол кўрсатди.

Бу кенгашдан қайтгач, мен ўз бригадам аъзолари олдида ана шу кенгаш қақида гапириб бердим. Биздар ҳаммамиз биргаликда ўз ишимизни яна бир марта анализ қилиб чиқдик, камчиликларни очиб ташладик ва ўзимизнинг бундан кейинги ишларимизнинг янги режаларини белгилаб олдик. Бу йил бригадамизнинг ўн аъзоси кечки мактабларга, техникумларга ва олий ўқув юртларига ўқишга киради, қолган ўртоқлар эса партия маорифи тоҳобчаларида шуғулланади.

Бригадамиз коллективи йиллик планни 10 октябргача бажариш ва камида 99,4 процент маҳсулотни биринчи сортга топшириш мажбуриятини олди. Бу юксак мажбурият кун сайин конкрет ишлар билан мустаҳкамланмоқда. Масалан, йилнинг биринчи ярмида бригадамиз аъзолари нормани ўрта ҳисобда 123 процентдан бажардилар, биринчи сортли маҳсулот миқдори эса 99,6—99,7 процентга етди. Пигирувчилардан Объедкова, Моисеева, Нейман, Дроздова ва бошқалар ускуналарнинг иш унумини ҳозирданоқ 1965 йилга планлаштирилган даражага етказдилар. Бригада аъзолари иш методларини муттасил такомиллаштирмоқдалар. Ҳозир коллектив меҳнатни ташкил қилишнинг янги формасини — контролёрсиз ва бракловчисиз ишлашни жорий қилмоқда.

Комбинатда коммунистик меҳнат бригадаси ва зарбдори номини олиш учун мусобақа қатнашчиларининг сафлари муттасил кенгаймоқда. Кейинги вақтдагина тўрт смена ва бир неча илғор бригада ана шу мусобақага қўшилди. 2-тўқув фабрикасининг коллективи коммунистик фабрика номини олиш учун мусобақалашмоқда. Тўқимачилар етти йиллиқнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажаришга қатъиқ бел боғлаганлар. (Қарсаклар).

К. МИРЗАЕВ нутқидан

(Ғиждувон район «Москва» колхозидаги трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи)

Мен ўзим бошлиқ бригаданинг тарихи ва ишлари ҳақида гапириб бермоқчиман.

Бундан икки йил илгари ўрта мактабни тамомлаган ўн беш киши комсомол-ёшлар звеносига уюшиб, пахта етиштиришга қарор қилдилар. Улар Қизилқум чўлидаги йигирма гектар ерни ўзлаштирдилар ва дастлабки йилдаёқ ўз участкаларида 34 центнердан «оқ олтин» етиштирдилар.

Бир йил кейин — 1959 йилда звеномиз бригадага айланди. Биз экин майдонини икки баравардан зиёд кенгайтирдик ва 50 центнерлик ҳосил учун кураш бошладик. Ёш пахтакорлар техникадан кенг фойдаланиб, илғор агрономия фанига таяниб, 52 гектарлик участкаларнинг ҳар гектаридан 52 центнердан пахта етиштиришга муваффақ бўлдилар.

Етти йилликнинг иккинчи йилида биз қумлоқ ерларнинг яна 23 гектарини ўзлаштирдик ва 60 центнердан ҳосил олишга сўз бердик. Бу мажбуриятнинг ҳам бажарилишига ишонамиз.

Биз юксак унумли меҳнат қилибгина қолмасдан, коммунистларча яшашни ҳам ўрганмоқдамиз. Бизнинг мақсадимиз етти йилликнинг иккинчи йилида коммунистик меҳнат бригадаси номини олишдир. Биз бу мақсадимизга эришамиз! (Қарсаклар).

Л. ТРЕБУХИН нутқидан

(Социалистик Меҳнат Қаҳрамони)

Мен коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари номини олиш учун мусобақа илғорларининг Катта Кремль саройида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида иштирок этишдек катта бахтга сазовор бўлдим. Сизларга маълумки, бу кенгашда ўртоқ Н. С. Хрушчев ёрқин нутқ сўзлаб, коммунистик меҳнат учун бутун мамлакатда авж олиб кетган мусобақага жуда юксак баҳо берди.

Бу ҳаракатнинг кучи шундаки, аъло кўрсаткичлар учун, ишлаб чиқаришнинг юксак техника маданияти учун кураш мусобақада қатнашаётган ҳамма ишчиларнинг жонажон иши бўлиб қолмоқда. Шу тарзда ишлаб чиқариш плани кун сайин, ой сайин тўла ва ошириб бажариладиган шароит вужудга келмоқда, корхона эса техника тараққиёти йўлидан ишонч билан олга бормоқда.

Ўртоқ Требухин коммунистик меҳнат коллективи деган юксак ном учун курашаётган бригадаларда ўртоқларча ўзаро ёрдам ва дўстлик туйғуси тез ўсаётганлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Бу — бригада аъзолари ўртасидаги муносабатгагина тааллуқли эмас. Бир бригада иккинчи бригадага, бир цех иккинчи цехга ёрдам бераётганлигинг кўрсатувчи кўп мисол келтириш мумкин. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш турмушга ана шундай сингиб бормоқда.

Умумий таълим ва техника ўқиши мусобақада жуда муҳим роль ўйнаши керак. Бизда меҳнат унумдорлиги ниманинг ҳисобига муттасил ошаётганлигини анализ қиладиган бўлсак, деди нотиқ, бу натижага ишчиларнинг маданий савияси ва техника саводи ошиши натижасида эришилаётганлигини кўрамиз.

Сўнгра ўртоқ Требухин айтдики, коммунистик меҳнат учун мусобақа натижасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми анча ошмоқда. Интизомни бузиш ҳоллари учраб туради, бундай ҳоллар келажакда ҳам бўлиши мумкин. Лекин ана шундай ҳар бир ҳол коллективда муҳокама қилинмоқда ва қаттиқ қораланмоқда. Бу эса, мусобақанинг ҳамма қатнашчиларига жуда катта тарбиявий таъсир кўрсатмоқда. Нотиқ коллективнинг таъсири ишлаб чиқаришда бракни камайтиришга, давлат мулкини авайлаб сақлашга, ёшларда умумий таълимга ва техника ўқувига қизиқиш туғдиришга ёрдам бераётганлигини кўрсатадиган фактларни келтирди.

Ўртоқ Требухин ўз нутқининг охирида бундай деди:

— Коммунистик меҳнат учун ҳаракат мамлакатимизда коммунистик жамиятни муваффақиятли қуришнинг гаровидир. Бизнинг вазифамиз бу ҳаракатнинг янада оммавий тус олишига эришишдан иборатдир. (Қарсаклар).

В. ВОЛОСАТОВ нутқидан

(Фарғона нефть комбинати Ленин нефтепровод бошқармасининг диспетчери)

Фарғона водийсидаги нефть конларида 1960 йил учун олинган социалистик мажбуриятларни тўла ва ошириб бажариш учун мусобақа қизиб кетди. Мусобақа давомида йилнинг биринчи ярми планидан ташқари минг-минг тонналаб нефть чиқарилди ва тиниқ нефть маҳсулотлари тайёрланди.

Мен ишлаётган Ленин нефтепровод бошқармаси кон билан заводлар ўртасидаги звенодир. Бизнинг коллективимиз нефтепроводнинг иш унумини ошириш учун, куч ва маблағни камроқ сарф қилиб, нефть ташиш таннархини камайтириш учун тинмай кураш олиб бормоқда.

Сўнгра, ўртоқ Волосатов айтадики, яқинда менинг таклифим ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бунинг натижасида заволларга нефть ташиш технологиясини ўзгартириш имконияти туғилди. Бу таклифнинг амалга оширилиши қўшимча машина-ускуналардан фойдаланмай, нефть қувурларидан оқизиладиган нефть миқдорини 10 процентдан зиёд кўпайтиришни, давлатнинг неча юз минг сўмлик маблағини тежашни таъмин этди.

Бошқармамизнинг коллективи етти йиллик иккинчи йили планини 28 декабргача бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, юз минг киловатт-соат электр қувватини тежаш мажбуриятини олди. Йилнинг биринчи ярмидаги иш натижалари бу мажбуриятлар тўла ва ошириб бажарилишини кўрсатади.

Бошқарма коллективи эришган муваффақиятларда бригадамизни н г ҳам ҳиссаси бор. Шуни айтиш керакки, биз коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун ўтказилаётган мусобақага қўшилган пайтдан буён, бригадада ишга муносабат ва ўзаро муносабат сезиларли даражада ўзгарди. Биз маблағ ва вақтни камроқ сарф қилиб, меҳнат унумдорлигини гоят оширишга интилмоқдамиз.

Ҳозирги вақтда кўп ишчилар мактаб, техникум ва олий ўқув юртларида ўқимоқдалар. Бизда ўқув қўлланмалари етишмаётир. Сиртдан ўқувчилар учун мўлжалланган дарсликлар мутлақо йўқ. Ванновский ва Фарғона нефть тозалаш заводларида нефть техникумининг филиаллари очилган. Ўзбекистон нефть саноатининг маркази бўлган Андижонда нефть институтининг филиалини ташкил этиш пайти келмадими, ахир?

Ўртоқ Волосатов сўзини тамомлаб, бундай деди:

— Бригадамизнинг коллективи мажбуриятни шараф билан бажариш ва коммунистик меҳнат коллективи деган фахрий номни олиш учун бутун куч-ғайратини сарф қилади. (Қарсаклар).

Т. АЛИЖОНОВ нутқидан

(«Оқиқўрғон» совхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони)

Оддий бир совет йигити бўлган мен коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари номини олиш учун мусобақа илғорларининг Кремлда бўлган Бутуниттифоқ кенгаши ишида қатнашиш шарафига муяссар бўлдим.

Менга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак ном бердилар.

Коммунистик меҳнат учун ажойиб ҳаракатни бошлаган Москва-Сортировочная депоси комсомолларининг ташаббуси ҳақидаги хабар етиб келган кунларданоқ биз коммунистик меҳнат учун мусобақа бошлашга қарор қилдик.

Ўтган йили биз 100 гектарлик участкада ишладик. Бизнинг ёнимизда қолоқ бригада бор эди. Бу бригада 20 центнерга етар-етмас ҳосил олар эди. Биз бу бригадани ўзимизга қўшиб олдик ва 150 гектар ернинг ҳар гектаридан эллик центнердан ҳосил олдик. Бу — бизнинг дастлабки ғалабамиз бўлди.

Бу йил биз янада ғайрат билан ишламоқдамиз. Давлатга камида 750 тонна «оқ олтин» сотишга аҳд қилиб, биз шу билан бир вақтда ишлаб чиқариш харажатини камайтириш ва пахта таннархини арзонлаштириш учун қунт билан кураш олиб бораётирмиз.

Бригада ҳозиргача ғўзаларни механизмлар ёрдамида 4 марта тўла ишлади, уч марта озиқлантирди. Август ойида яна бир марта тўла комплекс ишлов бериб, бир ой ичида ҳар бир туп ғўзада қўшимча тарада 6—8 тадан бўлиқ кўсак тўплашга эришамиз.

Биз бутун ҳосилни машинада териб олишни мўлжаллаган ҳолда далаларни ишламоқдамиз.

Мен кенгаш қатнашчиларини ишонтириб айтаманки, коммунистик меҳнат бригадаси номини олган бизнинг бригадамиз ўз сўзининг устидан чиқади ва давлатга камида 750 тонна «оқ олтин» сотади. (Қарсаклар).

С. ҚАМОЛОВ нутқидан

(Охунбобоев районидаги Охунбобоев номли колхозининг бригада бошлиғи)

Валентина Гаганова ташаббуси ҳақидаги хабар бутун мамлакатга тарқалганида мен ўзимга бундай деб савол бердим: «Мен бу ташаббуснинг намуна ололмайманми?». Намуна ола олишим мумкин деган қарорга келдим. Мен қолоқ бригада берилишини сўрадим ва колхоз комсомол ташкилотининг секретари вазифасидан бўшаб, бригада бошлиғи бўлиб ишладим. Бригада биринчи йилдаёқ 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 34,2 центнердан ҳосил етиштирди.

Дастлабки ғалаба бизларни руҳлантириб юборди ва биз етти йиллиқнинг иккинчи йилида коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун мусобақа бошлашга қарор қилдик.

Биз 92 гектар ернинг ҳаммасига чигитни квадрат-уялаб эқдик, ғўзаларни жуда яхши парвариш қилдик. Ҳозир ҳар туп ғўзада 4—5 тадан бўлиқ кўсак бор.

Ёш механизаторларимиздан Исмоил Саидаброров ва Алибой Муллаев жуда яхши ишлашяпти. Уларнинг ҳар бири 500 гектардан кўпроқ майдондаги ғўзани ишладилар. Колхозчилардан С. Ағзомов, А. Халилов, С. Абдурашидова, К. Музаффарова, Р. Абдурашидова ва бошқалар ҳам улардан қолишмаётирлар. Йил бошида гектаридан 36 центнердан ҳосил олишни ўйлаган эдик. Лекин кейин КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шарафига ҳосилни 40 центнерга етказиш, ўтган йили ҳар бир центнер пахта етиштиришга сарфланган 170 сўм ўрнига бу йил 94 сўм сарфлаш мажбуриятини олдик.

Умумий билим даражамизни ошириш учун кўпгина иш қилмоқдамиз. Бригадамизнинг 4 аъзоси ўтган йили етти йиллик мактабни тамомлади, бир неча кищи қишлоқ хўжалик институтига кириб ўқишга қарор қилди. Бригаданинг бошқа аъзолари ҳам мактабларда ўқимоқда.

«Коммунистларча ўқиш, ишлаш ва яшаш» — бизнинг шиоримиздир ва шу шиорга қатъий амал қилмоқдамиз. (Қарсаклар).

П. РЗАМБЕТОВ нутқидан

(«Тахтакўпир» совхозининг чўчқабоқари)

Ўтган йили ўрта мактабни тамомлаб, пахта тайёрлаш пунктига ишга кирдим. Газеталардан украин чўчқабоқари Ярослав Чижнинг ажойиб ишлари ҳақида ўқиб, ўзим ҳам чорвачиликнинг шу соҳасида кучимни синаб кўришга қарор қилдим. Район комсомол комитети мени ва комсомол аъзоси Анатолий Андриановни ўз илтимосимизга мувофиқ «Тахтакўпир» совхозининг чўчқачилик фермасига юборди.

Дастлабки пайтларда чўчқа боқувчи Надя Грачева бизга жуда катта ёрдам кўрсатди. Биз ундан рацион тузишни, чўчқаларни парвариш қилишни, уларни тез семиртиришни ўргандик. Тезда биз ўзимиз учун янги бўлган ишни ўрганиб олдик.

Ҳозир бизнинг фермамизда 240 чўчқа бор. Биз ҳозироқ давлатга 90 центнер чўчқа гўшти топшириб, йиллик планни анча ошириб бажардик. Биз дастлабки муваффақиятдан руҳланиб, бу йил давлатга гўшт сотиш бўйича уч йиллик планни бажаришга қарор қилдик.

Биз маҳсулот таннархини кескин суратда арзонлаштириш ҳамда меҳнат сарфини тўрт баравар камайтириш юзасидан олган ўз мажбуриятимизни бажариш учун кўпгина иш қилмоқдамиз.

Сўнгра П. Рзамбетов Қорақалпоғистон ёшларининг республикада чорвачиликни янада юксалтириш учун кураш соҳасидаги ажойиб ишлари ҳақида гапирди. Қорақалпоғистон фермаларига уч мингдан кўпроқ йигит ва қиз юборилди.

Бизнинг бригадамиз коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун мусобақалашмоқда. Биз меҳнат ва турмушдаги ўз ишларимиз билан ана шу шарафли номга улуғ етти йиллиқнинг иккинчи йилида эришиш мажбуриятини оламиз. (Қарсаклар).

Г. АНТРОПОВА нутқидан

(Самарқанд шойи тўқиш фабрикасининг тўқувчиси)

Бизнинг фабрикамизда 30 бригада коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун мусобақалашмоқда. Бу бригадаларнинг учтаси ана шу юксак номни олишга сазовор бўлди.

Илғорларнинг меҳнат соҳасида эришган муваффақиятлари корхонанинг бутун коллективини янада зўр ғайрат билан ишлашга сафарбар қилди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан йилнинг биринчи ярми плани анча ошириб бажарилди. Пландан ташқари 3 миллион 176 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Фабрика яқинда етти соатлик иш кунига ўтади. Фабрика коллективи қисқартирилган иш кунига ўтиш билан маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун ҳозирданоқ тайёргарлик кўрмоқда.

Фабрикада илғорлардан намуна олиниб, коммунистик меҳнат зарбдорлари мусобақаси кенг авж олди. Шу йилнинг март ойида сменамиздаги тўқувчилар билан бирга мен ҳам бу мусобақага қўшилдим. Ҳаммамиз малакамизни доим такомиллаштириб, зўр ғайрат билан ишламоқдамиз, Масалан, март ойида мен бахмалнинг 99 процентини биринчи сорт билан чиқарган бўлсам, апрель ойида 99,9 процентини, май ойида эса, ҳаммасини биринчи сортга топширдим. Мени КПСС аъзолигига қабул қилдилар. Марксизм-ленинизм университетида ўқимоқдаман, бадиий ҳаваскорлик коллективида қатнашмоқдаман. Менинг кўп дугоналарим ва ўртоқларим яхши ишлаб, ўзларининг умумий билим савиясини оширмоқдалар. Самарқанддаги Алишер Навоий номли университетнинг студентлари фабрикамиздаги ёш ишчиларнинг ўқиш, маълумотларини оширишларига ўртоқларча ёрдам бермоқдалар.

Ишчиларимизнинг кўплари иш соатларидан кейин махсус билим ҳосил қилишни истайдилар. Самарқандда тўқимачилик саноати корхоналари учун мутахассислар тайёрлайдиган институтнинг кечки бўлими ташкил этилса, жуда яхши иш қилинган бўлур эди.

Ўртоқ Антропова ўз корхонаси коллективи номидан айтадики, Самарқанд тўқимачилари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун бутун кучларини сафарбар қиладилар. Ватанимизнинг «раҳмат» деб айтишига сазовор бўладиган даражада зўр ғайрат билан ишлаш, деди у, ҳар биримизнинг чин истагимиздир. (Қарсаклар).

А. УМЕРОВ нутқидан

(Урганч ёғ заводининг бригада бошлиғи)

Бизнинг бригадамиз коммунистик меҳнат учун мусобақасига бу ватанпарварлик ҳаракати бошланган дастлабки кунлардаёқ қўшилган эди. Ўтган йилги планни биз ошириб бажардик ва топширидан ташқари кўпгина миқдорда биринчи сортли маҳсулот ишлаб чиқардик. Коллектив етти йилликнинг иккинчи йилида янада яхшироқ ишлашга аҳд қилди. Етти ойлик план ҳозироқ бажариб қўйилди.

Ишимиз бошиданоқ юришиб кетди деб бўлмайди. Масалан, бригадамиз аъзолари иккинчи ҳунарни билмаганликлари натижасида кўпгина иш вақтини бекорга ўтказар эдик. Бригадада инженер ва техниклар билан ҳамкорликда партия ва касаба союз ташкилотининг қўллаб-қувватлаши билан иккинчи ҳунарларни ўрганиш ташкил этилди. Бунинг натижасида ҳар бир ишчи ҳозир икки—уч ҳунарни ўрганиб олди.

Коммунистик меҳнат учун мусобақа қатнашчиларининг қоидаларидан бирида ҳамма ўқиши керак, дейилган. Биз бу қоидани бажаришга ҳаракат қилмоқдамиз. Мен ва бригаданинг яна икки аъзоси сиртқи институтда ўқимоқдамиз. Уч киши ишчи ёшлар кечки мактабини тамомламоқда ва улар ҳам кейинчалик олий ўқув юртига кириш ниятидадирлар. Биз ишда ҳам, ўқишда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам бир-биримизга ёрдам бермоқдамиз. Бригада аъзоларидан ҳар бирининг оиласидаги қувонч ҳаммамизнинг қувончимиздир.

Заводимиздаги кўпгина бригада коллективлари коммунистларча ишлаш ва яшашга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг ҳаммаси ўз социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Ёғ заводининг коллективи биринчи ярим йил планини муддатидан илгари бажарди ва пландан ташқари бир ярим миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Келажак разведкачилари бўлган бизлар меҳнатда ва ҳаётда ҳаммага намуна бўлиш учун бундан буён ҳам иш методларини такомиллаштирамиз, ҳамма илғор прогрессив тадбирларни жорий қиламиз, завод маркаси учун курашамиз. (Қарсаклар).

А. ПОЗДНЯКОВА нутқидан

(Қарши тикувчилик фабрикасининг директори)

Қарши тикувчилик фабрикасининг коллективи коммунистик меҳнат корхонаси деган юксак номни олиш учун бошланган курашга Сурхондарё областида биринчи бўлиб қўшилди. Биринчи ярим йилдаги иш якунлари шуни кўрсатдики, коллектив томонидан қабул қилинган оширилган мажбуриятлар реал бўлиб, улар шараф билан бажарилади.

Партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг бутун фаолияти меҳнат унумдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишга қаратилгандир. Цехларда оммавий-сиёсий ишлар кенг йўлга қўйилиб, илғор иш методларини жорий қилиш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасидаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Техника кенгаши ва доимий ишлаб турадиган ишлаб чиқариш кенгашлари бизга ана шу соҳада каттагина амалий ёрдам бериб турибди. Бу кенгашларнинг ишларида раҳбарлар билан бир қаторда илғор тикувчилар ҳам актив қатнашмоқдалар.

Фабрикамиз ходимлари билан биргаликда Қарши вагон депосининг коллективи ҳам коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун мусобақа қилмоқда. Темир йўлчилар ўз зиммаларига юксак ва масъулиятли мажбуриятлар олдилар. Улар етти йиллик иккинчи йилининг планини 1 декабргача бажаришга аҳд қилдилар. Бу коллектив аҳил ва уюшқоқлик билан ишламоқда. У ўз мажбуриятларини шараф билан бажаришига шак-шубҳа йўқ.

Ўртоқ Позднякова меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш ҳақида гапиради. Ишчиларнинг асосий қисми хотин-қизлардан иборат бўлган Қарши тикувчилик фабрикаси ҳузурида ўзининг болалар муассасалари йўқ. Бу эса қўлларида ёш болалари бўлган ишчилар учун қўшимча қийинчилик туғдиради. Меҳнаткашларга коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам кўп.

Коллективимиз етти йиллиқнинг иккинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятлар бажарилади деб сизларни ишонтириб айтишни менга топширди. Қарши тикувчилари ўз сўзларининг устидан чиқа оладилар. (Қарсаклар).

С. ЭШМАТОВ нутқидан

(Чирчиқ электрокимё комбинатининг смена бошлиғи)

Чирчиқ электрокимё комбинатида 63 коллектив коммунистик меҳнат бригадаси ва сменаси номини олиш учун мусобақалашмоқда. Булардан 6 коллективга ҳозироқ ана шу фахрли ном берилган.

Коммунистик меҳнат учун мусобақа ишлаб чиқаришда бир қанча қимматли ташаббусларни вужудга келтирди, комбинат коллективига меҳнат унумдорлигини умуман ошириш имконини берди. Мен ишлаётган смена шу йилнинг январь ойида коммунистик меҳнат сменаси деган фахрли номга сазовор бўлди. Сменамизнинг ҳамма ишчилари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқимоқдалар. Машинист Астафьев кечки техникумни тамомлади ва энди институтга кирмоқда. Шунингдек Докшин, Марков, Пўлатов ўртоқлар институтда ўқимоқдалар.

Астойдил меҳнат қилиш ва ўқиш коллективга жамоат ҳаётида актив иштирок этиш учун халқит бераётгани йўқ. Сменамизнинг ҳамма ишчилари халқ дружинаси аъзоларидир. Ҳар ҳафтада бизда сиёсий информация ўтказилмоқда, ўн кунда бир марта «Жанговар варақа» чиқарилмоқда. Биз коллектив бўлиб тез-тез кинолларга бориб турибмиз, Тошкентдаги театрларни кўрмоқдамиз. Ўзаро ёрдам ва чинакам дўстлик бизга яхши ишлаш, ўқиш ва дам олиш учун ёрдам бермоқда.

Оталаримиз олдида социализм қуриш вазифаси турар эди. Бизларнинг олдимизда коммунизм қуриш вазифаси турибди. Биз бутун совет халқи билан биргаликда янги жамият қурмоқдамиз, домналар барпо қилмоқдамиз, янги шаҳарлар бино қилмоқдамиз, қўриқ ерларни очмоқдамиз, дарёлар ўзанини ўзгартирмоқдамиз. Совет халқи бу ишларнинг ҳаммасини Коммунистик партия раҳбарлигида амалга оширмоқда. Коммунистик партия бизга коммунизмнинг порлоқ йўлини кўрсатиб турибди. Ҳеч ким ҳеч қачон бизни бу йўлдан чиқара олмайди! (Қарсаклар).

М. ИБРОҲИМОВ нутқидан

(Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари)

Ҳозирги вақтда республикамизнинг ҳамма қисмида коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари деган юксак номни олиш учун мусобақа қизиб кетди. Комсомол-ёшлардан иборат етти мингдан кўпроқ бригада ва ёш ишчилар ҳам қолхозчилардан 19 минг киши ана шу ажойиб ҳаракатга қўшилди. 930 бригада ва 3 минг йигит ва қиз коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари номини олишга сазовор бўлдилар.

М. Иброҳимов республикадаги ёш ватанпарварларнинг фидо к о р о н а меҳнатига доир мисоллар келтиради. У, З. Ширшикова, Л. Светашева, Л. Сулаймонова, У. Ғозиев, Э. Лунева, И. Умаровнинг номларини ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш юзасидан олган мажбуриятларини муваффақиятли бажараётган бошқа бригада аъзоларининг номларини тилга олади.

Келажак разведкачилари бўлган ёшлар ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг маслаҳатларига амал қилиб, қишлоқларда эски традицияларни дадил емириб ташламоқдалар, техникани қунт билан эгалламоқдалар, пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини комплекс механизациялаш йўлида сабот билан ишламоқдалар. М. Жалолов, Т. Алижонов, С. Абдураимова, А. Мўминов ва бошқаларнинг бригадалари бу соҳада катта муваффақиятларга эришдилар.

Қаҳрамон механизатор Турсуной Охунованинг чақириғи билан Ўзбекистоннинг минг-минглаб ватанпарвар қизлари тракторларни ва пахта териш машиналарини бошқариш маҳоратини эгалламоқдалар. Ҳозирги кунда Турсуной Охунованинг неча юзлаб издошлари куз фаслида пахта териш агрегатларини бошқарадилар, деб дадил айтиш мумкин.

Сўнгра ўртоқ Иброҳимов коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг техникани тез тараққий эттириш учун, янги техника ва илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун, жуда яхши техника-иқтисодий кўрсаткичларга эришиш учун курашда актив қатнашаётганликлари тўғрисида гапиради.

Ўртоқ Иброҳимов уқтириб ўтадики, коммунистик меҳнат йўлидаги ҳаракат ёшларда марксча-ленинча дунё қарашни ўстиришга, уларнинг маданий-техника савиясини оширишга ёрдам беради. 1959 йилда ёш ишчилардан 75 минг киши ўз малакаларини оширди, 40 мингдан кўпроқ йигит ва қиз бир-бирига яқин касбларни эгаллади.

Коммунистик жамият кишисини ўстириш унинг меҳнатга ва ўқишга муносабати билангина чекланиб қолиши мумкин эмас. Кишининг уйдаги, кўчадаги, коллективдаги ҳатти-ҳаракати, унинг хотин-қизларга муносабати коммунистларча яшаш талабига жавоб бермоғи керак. Шуни очиқ айтиш керакки, бизда ана шу қоидаларни бажариш ҳали кўнгилдагидек эмас.

Бизнинг вазифамиз — ўтмишнинг сарқитларига қарши, ёшларнинг, хусусан қишлоқ ёшларининг ҳаётида социалистик маданиятни жорий қилиш учун қатъий кураш олиб боришдан иборат. Келажак разведкачилари меҳнатда ва ҳаётда юксак маданият намуналарини қизғин пропаганда қилишлари лозим.

Республикамиздаги коллективлардан кўпчилигининг характери хусусияти шуки, уларда кўп миллатларнинг вакиллари бор. Ҳар бир бригада, цех, ҳар бир корхона, ҳар бир совхоз, колхоз, РТС чинакам интернационал оила бўлиб, унда ўзбеклар ва руслар, украинлар ва қозоқлар, белоруслар ва арманлар, СССРдаги кўп халқларнинг вакиллари бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқдалар. Масалан, Саид Нуриддиновнинг бригадасидагина ўн бир миллат вакиллари ишламоқда. Биргаликда меҳнат қилиш, ўқиш, кўнгил очиш Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас қардошларча дўстлигини янада кўпроқ мустаҳкамлайди, кишиларни совет ватанпарварлиги р у ҳ и д а, марксизм-ленинизм идеяларига чексиз садоқат руҳида тарбиялайди.

Қардош республикалар ёшларининг учрашувлари жуда яхши традиция бўлиб қолмоқда. «Ёшлар дўстлиги ҳафтаси» байрамида қатнашиш учун Совет Иттифоқидаги барча қардош республикаларнинг вакиллари — энг яхши ёш ишчилар, қишлоқ хўжалик илғорлари, студентлари Ўзбекистонга келдилар. Бундай учрашувлар тажрибаларни ўртоқлашиш, камчиликларни танқид қилиш дўстлигимизни янада кўпроқ мустаҳкамлайди.

Биз ҳамма муваффақиятларимиз учун жонажон Коммунистик партиядан, унинг к о м м у н и з м учун, бутун дунёда тинчлик учун толмас курашчи, коммунистик меҳнатнинг биринчи зарбдори қадрдон Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитетидан миннатдормиз. (Қарсаклар).

Сизларни ишонтириб айтаманки, Ўзбекистон комсомол ташкилоти партия раҳбарлигида коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари ҳаракатини умумхалқ ҳаракатига айлантириш, республикадаги неча юз минглаб йигит ва қизларни ана шу ватанпарварлик ҳаракатида қатнаштириш учун бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўради. (Қарсаклар).

С. НУРИДДИНОВ нутқидан

(Ўзбекистон металлургия заводи бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони)

Бизнинг бригадамиз 1958 йил ноябрь ойида, яъни Москва темир йўлчилари бошлаб берган ана шу ажойиб ташаббус ҳақидаги хабар бутун мамлакатга ёйилган бир пайтда коммунистик меҳнат учун мусобақага қўшилди. Биз ўша вақтдаёқ ҳар куни пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқаришга ва ҳар бир тонна прокат учун икки сўмдан маблағ тежашга аҳд қилдик. Бундан ташқари, биз ўзимизнинг иш малакамизни ва умумий билимимизни ошириб, меҳнатда ва турмушда ўрнак кўрсатиш мажбуриятини ҳам олдик.

Ўз мажбуриятларимизни қай тарзда бажаряпмиз?

1958 йил ноябрь ойида биз пландан ташқари 317 тонна металл прокат қилдик, декабрь ойида 645 тонна металл прокат қилиб, ўз мажбуриятимизни деярли икки баравар ошириб бажардик. 1959 йил январь ойининг охирларида бизнинг коллективимизда коммунистик меҳнат бригадаси номи берилганлиги ҳақида диплом топширилди.

Биз 1959 йилда тузуккина ишладик. Пўлат прокати юзасидан олган мажбуриятни бирмунча ошириб бажардик, анчагина миқдорда мазот, металл, электр энергия тежаб қолдик.

Биз етти йилликнинг иккинчи йилини ҳам яхши бошлаб, ўз зиммамизга олган мажбуриятларимизни ошириб бажармоқдамиз.

Коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун бошланган кураш прокатчилар бўлган бизларга нималарни берди?

Бригада меҳнат соҳасида катта муваффақиятларни қўлга киритганлигидан ташқари, унда меҳнат интизоми ошиб, шахсий турмушимизда ҳам кўпгина муваффақиятларга эришдик.

Ҳаммамиз коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари номини олиш учун бошланган мусобақа қатнашчиларининг сафларини кўпайтирмоғимиз лозим. Бу ҳол республикамиз етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари анча олдин бажара олишига ёрдам беради.

Меҳнат соҳасида энг яхши кўрсаткичларга эришганлиги учун заводимизга сурункасига тўртинчи марта Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи берилмоқда. Металлургчилар етти йиллиқнинг охирига қадар ана шу байроқни ўз қўлларида сақлаб қолиш учун бундан буён ҳам астойдил ишлай берадилар. (Қарсаклар).

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАҚИДА, ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН

ЖАМОАТЧИЛИК ЧОРЛАЙДИ

Шаҳар территориясидаги 25 маҳаллада аҳолининг анча қисми яшайди. Уларнинг кўпчилиги ишчи, хизматчи, колхозчи, зиёлилардир. Ҳарким ўз участкасида фидокорона меҳнат қилиб, мамлакатимизда коммунизм жамияти қурилишини авж олдириш программаси—етти йиллик планни муддатидан илгари бажаришга катта ҳисса қўшмоқда.

Аҳоли ўртасида қариялар, кўп болали оналар, инвалидлар, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи аёллар ҳам бор. Ҳали жамоат ишидан четда турган, бирор корхона ёки муассасага уюшмаган кишилар ҳам бор.

Шаҳар партия комитети КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини изчиллик билан амалга ошираётган бир пайтда маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳоли орасида оммавий-сиёсий, тарбиявий-ташкилий ишларни кучайтириш ва шу йўл билан бутун аҳолини, хусусан хотин-қизларни фойдали меҳнатга кенгроқ тортиш тадбирларини ҳам кўрмоқда. Шу мақсадда маҳаллалардаги хотин-қизлар орасида доимий иш олиб борадиган 12 агитпункт очилди. 100 дан ортиқ агитаторлар тайинланди.

Ҳозир шаҳар партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг асосий эътибори хотин-қизларнинг коммунистик онглилигини ошириш, ишлаб чиқаришдаги авангардлигини таъминлаш, уларга етарли маданий-маиший шароит яратиб бериш йўли билан хотин-қизларни жамоат ишларига кенг жалб этиш, айрим хотин-қизларнинг онгида ҳали ҳам сақланиб қолган эскилик сарқитларини батамом тугатишга қаратилган. Бу муҳим вазифани бажаришда пропаганда ва агитациянинг хилма-хил форма ва методларидан тобора кенгроқ фойдаланилмоқда.

Шаҳар партия комитети ҳузурида хотин-қизлардан иборат лекторлар группаси ташкил қилинди. Маҳалла хотин-қизлари орасида ҳар ойда икки марта маданий-маиший темада лекция ўтказилмоқда. Клубларда кинофильмлар кўрсатилади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашувлар, йирик саноат корхоналари, музейлар, театрларга коллектив бўлиб бориш уюштирилмоқда. Якшанба кунлари уй бекаларининг маданият ва истироҳат боғларида ишчи-хизматчилар билан ҳамкорликда маданий дам олиши йўлга қўйилмоқда. Шаҳарда бир неча янги болалар боғча ва яслилари очилиб, болалик оналарга қулай шароит яратиб берилди. Натижада жуда кўп уй бекалари, меҳнатга яроқли кишилар саноат корхоналарига ишга кириб давлат, халқ учун катта фойда келтирадиган ишлар қилмоқдалар.

«Қизил Октябрь», Ейилма, Охунбобоев номли маҳаллаларда ташкил қилинган агитпунктлар (мудирлари Тошпўлатов, Мазурина, Вахтурова ўртоқлар) хотин-қизлар орасида жуда катта ташкилий-тарбиявий ишлар олиб бормоқда. Бу агитпунктларда хотин-қизлар учун савол-жавоб кечалари, оилавий кечалар, ўқувчи қизларнинг етти йиллик новаторлари бўлган хотин-қизлар билан учрашувлари ўтказилиб турилади. Кейинги ойларда «СССР Олий Совети V сессияси қонунлари — Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг халқ бахт-саодати йўлидаги ғамхўрлигининг янги ифодаси», «Етти йиллик планни муддатидан илгари бажаришга ҳисса қўшиш—ҳар бир совет гражданининг муқаддас бурчидир», «Ишламаган тишламайди», «Эскилик сарқитлари — тараққиёт душмани» деган темаларда ўтказилган лекция ва суҳбатларни 1500 дан кўпроқ хотин-қиз мароқ билан тинглади.

Хотин-қизлар орасида олиб борилаётган пропаганда ишлари савиясини ошириш бутун жамоатчиликнинг жонажон ишига айланди. Бу соҳада шаҳар кутубхонасининг мудири Х. Саматова, шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари М. Хайирова, ўрта мактаб директори Б. Асфияева, Киров номли фабрика директорининг ўринбосари М. Тошхўжаева, пойафзал фабрикасининг директори Э. Мусажонова ўртоқлар, депутатлар намуна бўларли ишлар олиб бормоқдалар. Уларнинг амалий ёрдами ва самарали ишлари туфайли илгари уй-рўзғор ишлари билан шуғулланиб келган 200 дан ортиқ хотин-қизлар жамоат ишларида қатнаша бошлади, маҳаллаларда кутубхоналар, қизил бурчаклар ташкил қилинди.

Яқинда шаҳар партия комитетида хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган пропаганда ишларининг аҳволи ва уни яхшилашга қаратилган масала муҳокама қилиниб, бир қатор тадбирлар белгиланди. Шулардан бири — 25 маҳаллада кундалик сиёсатни ўрганиш тўгараги ташкил қилишдир. Ҳозир бу тадбир амалга оширилмоқда.

Шаҳар саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш ярим йиллик планини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари 20 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлади. Бунда шаҳар хотин-қизларининг катта ҳиссаси бор. Эндиликда хотин-қизларимиз асосий эътиборни бу йил давлатга 38 минг 100 тонна пахта етказиб бериш ҳақидаги социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун ғўза парваришини тобора кучайтиришга қаратмоқдалар.

А. МИРЗАЕВА,

Марғилон шаҳар партия комитетининг инструктори.

Бу йил етуклик аттестати олган қизлардан катта бир группаси Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз сутчилик фермасига ишга келди. Улар тажрибали сут соғувчи Б. Исҳоқова раҳбарлигида қисқа муддат ичида ферма ишлари билан танишдилар. СУРАТДА (чапдан ўнгга): Бўринисо Исҳоқова ва етуклик аттестати олиб фермага келган Уткирой Йўлдошева билан Муқаддас Нишоновалар.

В. ЛЕЙЗЕРОВИЧ фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ИШЧАН АЁЛ

Парда опа билан раис ади-бади айтишиб қолди.

— Шунчалик ҳимматингиз бор экан, правлениеда бир оғиз айтганингизда бошингизга осмонни ташлаб юбормасдик, — норози оҳангда деди раис, — йиғилишларда «ундай қилодирман, бундай қилодирман» деб ғап қотасиз, кейин фалонча центнердан мажбурият олдим, ёрдам бер деб бизга ёпишасиз.

Парда опа қизарди, кенг пешонасида йилтиллаган тер доначалари пайдо бўлди, алланималар демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, яна ўзини оғирликка солди.

— Ҳозирча меннинг бригадам правлениени қизартирадиган бирор иш қилганича йўқ, — ниҳоят деди пешонасидан оқиб тушаётган терни артиб, — бундан кейин ҳам хотиржингиз жам бўлсин, раис.

— Мажбурият олдингизми, ўз кучингиз билан бажаринг, мен бошқа бригадаларнинг ризқини қийиб, сизга ёрдам бера олмайман.

— Ҳозирча сиздан ёрдам сўраётганим йўқ, ёрдам сўраган чоғимда шундай десангиз ярашади.

Асли воқеа бундай бўлган эди: Область пахтакорларининг слёти Жиззахда ўтказилди. Шунда Парда Азимова сўзга чиқиб, бригадаси бўйича гектаридан 50 центнердан пахта хирмони кўтариш ҳақида қўшимча мажбурият олди. Бу колхоз раиси Камолжон Азимовни бир жиҳатдан хурсанд қилса, иккинчи жиҳатдан бироз ўйлантириб қўйди. Утган йили аранг 35 центнердан пахта берди, — хаёлдан ўтказди раис, — бирданига 10 центнер ошириш осонми? Сўзининг устидан чиқса, нур устига нур, борди-ю... колхознинг шаънига ҳам яхши бўлмайди. Нима қилиш керак? Бўлар иш бўлди, энди лафзимдан қайтдим дея олмайди, бундай дейиши мумкин ҳам эмас. Яхшиси, бригада аъзоларига нисбатан талабчанликни ошириш, колхоз омборига умид боғлаб ўтиришга йўл қўймаслик, ички резервлардан фойдаланишда кўмаклашиш керак».

Орадан ойлар ўтди. Парда опа мажбуриятнинг юксаклигини, уни бажариш учун ҳамма имкониятлар борлигини бригада аъзоларига соат сайин уқтириб борди, ўзининг мазмунли, маълум мақсад кўзда тутилган ширин суҳбатлари билан уларга маънавий озуқа бахш этди. Опанинг ҳаёт билан, бригада олдида турган конкрет вазифалар билан боғлаб ўтказган суҳбатлари ҳаммага янги куч-ғайрат ато қилди. Кишилар меҳнатга коммунистик муносабатда бўла бошлади. Натижада нишонга олинган чўққи бригада аъзоларининг кўз ўнгида тобора яққолроқ намоён бўлмоқда.

Ҳозир бригада даласида бўлган киши ғўзаларнинг ҳолатини кўриб беҳад қувонади. Уч марта комплекс парваришдан чиқарилган ғўзалар ғуж-ғуж ҳосиллик бўлиб ўсяпти, кўм-кўк кўсаклар бўртиб турибди, шода-шода гуллар кўзни қамаштиради.

— 50 центнерлик ҳосилнинг дастлабки нишоналари шулар, — дейди Парда опа пайкалларга суқланиб боқаркан ва ўзига ўзи насиҳат қилади, — ҳисобдан янглишма, бугунги бир кунлик ҳалол меҳнатнинг меваси кузда уч кун тарозни босади, шунга қараб иш тут!...

Яқинда ўртоқ Азимов бошлиқ тажрибакор — мутахассислардан иборат комиссия Парда Азимова бошлиқ бригада ғўзаларини пайкалма-пайкал кўздан кечириб чиқди. — Ана ғўза-ю, ана ҳосил!

— Ғанимат дамларни бошдан кечиряпмиз, — деди раис опа билан хайрлашар экан, суръатни сусайтирманг, ғафлатда қолиб ҳосилни қўлдан бериб қўйманг. Июль ҳосил тўплаш, август ҳосилга ҳосил қўшиш ойи-я, ёдингизда бўлсин. Ҳа, дарвоқе, бригадангизга 3 тонна азот ажратилган, кечқурун келтириб беришади, ҳали биз айтган картадаги ғўзаларни табақалаб озиқлантиринглар.

Опа: раҳмат, ўғит керак эмас, демоқчи бўлди-ю, тили бормади...

* * *

Жиззах районининг меҳнаткашлари Будённий номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Парда Азимовани ажойиб пахтакор, идрокли агитатор сифатида жуда яхши биладилар ва ҳурмат қиладилар.

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорида хотин-қизлар орасида олиб борилаётган пропаганда ишлари уларнинг ғоявий талаблари ва қизиқишларини оширишга, хотин-қизларни, айниқса уй-рўзғор ишидаги аёлларни актив ижтимоий-сиёсий ҳаётга тортишга, диний хурофотларга, шунингдек, мешчанлик сарқитларига қарши курашга бўйсундирилиши зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Парда Азимова доимо хотин-қизлар орасида бўлиб, уларнинг дидига мос келадиган, қизиқарли темаларда суҳбатлар ўтказади, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи аёлларга тушунтириш йўли билан уларни ижодий меҳнатга ундайди. Унинг ишчи ва хизматчиларни қисқартирилган иш кунига кўчириш, аҳолидан олинадиган солиқларни бекор қилиш, коммунистик ахлоқ ва никоҳ қондалари ҳақида ўтказган суҳбатларини юзлаб хотин-қизлар мароқ билан тингладилар.

Ўртоқ Азимова пропагандани колхоз олдида турган етти йиллик вазифалари билан боғлаб олиб боради. Шунинг учун ҳам унинг суҳбатлари тингловчиларда яхши таассурот қолдиради.

М. НАЗАРОВ,

«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири.

ТУРСУНОЙЧИЛАР

Чуст. Бу ердаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юрти 1932 йилда ташкил этилган. Шундан буён 10 минг нафардан кўпроқ механизатор тайёрлаб чиқарилди. Улар колхоз ва совхозларда механизатор, бригадир механик ва инженер бўлиб ишламоқдалар.

Поп районидаги Ленин номли колхоз аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мелиқўзи Умрзоқов, Наманган районидаги «Ленинград» колхозининг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Исҳоқжон Эгамбердиев, Тўрақўрғон районидаги «Гигант» колхозининг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тожибой Тошбоев ва бошқа жуда кўп моҳир пахта усталари — механизаторлар шу билим юртида таълим олганлар.

Республикада донгдор механизатор Турсуной Охунова ташаббусига қўшилиб, механик-ҳайдовчи бўлиш ҳаракати жуда кенг тус олди. Билим юртига кириб таълим олиш учун жуда кўп хотин-қизлар ариза бердилар. Уларнинг истаги ҳисобга олиниб, билим юрти қошида механик-ҳайдовчилар тайёрлаш олти ойлик курси ташкил этилган эди. Курсда турли районлардан келган хотин-қизлардан 58 киши «ХВС-1,2», «СХМ-48М» маркали пахта териш машиналарини мукаммал ўрганиб олди. Яқинда курсни битирганларга Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг гувоҳномаси топширилди.

Поп районидаги Жданов номли колхоз аъзоси Рўзибиби Раҳмонова 1958 йилда 20 тонна пахтани қўлда терган эди. Энди у терим машинасини бошқаради. Рўзибиби мавсумда 200 тонна «оқ олтин» теришга аҳд қилмоқда.

Косонсой районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг аъзоси Сожида Икромова, Чуст районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Мақсудахон Солижонова ва курсни тамомлаб чиққан бошқа кўпгина хотин-қизлар шу йил пахта йиғим-теримида машина билан 150—200 тоннадан пахта теришни кўзлашмоқдалар.

Механик-ҳайдовчилар тайёрлаш курсини битириб чиққан турсунойчи хотин-қизларнинг янги отряди пахта теримини машиналаштириш орқали қўл меҳнатини сиқиб чиқаришга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

М. МАДМУСАЕВ,

Чуст районидаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртининг директори.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Туғилган кунига 60 йил тўлиши ҳамда кўп йиллар давомидаги хизматлари учун Тошкент область матлубот союзи базасининг директори Эшонхўжа Хошимхўжаев Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ туғилганига 50 йил тўлганлиги ҳамда кўп йиллик самарали меҳнати учун Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши Техника совети бошлиғининг ўринбосари Евгений Александрович Бородин Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ХУШ КЕЛИБСИЗ

МУСОБАҚАДОШЛАР МАСЛАҲАТИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

— Гўзал водийимизнинг саҳий ёзи меҳмонларимизга ором берсин, боғларимиздаги гулларимиз, ширин-шакар меваларимиз улар учун. Қадрдон биродарларимизга эшигимиз ҳам, бағримиз ҳам очиқ, хуш келибсиз.

Мусобақадош Озарбайжон пахтакорларининг вакилларини кутиб олар эканлар, Фарғона областининг меҳнаткашлари ана шундай демоқдалар.

Меҳмонлар жуда камтар: «Биз сиздан ўргангани келдик, кўп илтифот керак эмас, далага чиқайлик» дейишди дастлаб келган соатдаёқ. Фарғона деҳқони эса «Марҳамат, далага ҳам чиқамиз, меҳмон ҳам қиламиз» дейишди.

Ўзаро текшириш бригадасининг бир группаси шу кунларда Қува, Марғилон, Олтиариқ ва Қўқон районларидаги колхоз ва совхозларда олинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлиги билан танишмоқда. Йўл-йўлакай ҳамма ерда меҳмонлар шарафига ёзилган шиорлар кўзга ташланади. Катта алвонларга:

Хуш келибсиз дўстлар Озарбайжондан,

Қутлаймиз сизни жону ва дилдан.

деган шеърий қутловлар ёзиб қўйилган.

Меҳмонлар Қўқондаги Жданов номли совхознинг далаларини зўр ҳафсала билан айландилар. Совхоз коллективи бу йил 3300 гектар ердан давлатга 7500 тонна пахта топширади. Қардошлар илғор бўлимларда ана шундай юксак мажбуриятга яраша иш қилинаётганлигини кўриб қойил қолдилар.

— Мана шу кенг пайкал коммунист Юнусали Иброҳимов бошлиқ бригаданики — деб таништирди совхоз директори ўртоқ Пайғамов.

Кўм-кўк денгиз каби чайқалиб турган пахтазорда «универсал»лар икки томонлама юриб турибди. Сувчиларнинг иши ҳам мақташга сазовор. Меҳмонларни бошлаб юрган бригадир Юнусали ернинг ўртасига борганда энгашиб бир туп ғўзани қайирди ва меҳмонларга кўрсатди: 8 кўсак ўндан ортиқ саноқсиз шона, бу ерга кетмон кирган эмас. Тракторчи Маҳмудали Хатамов, Акрамжон Маҳкамовлар ўз машиналарини усталик билан бошқариб, культивацияни ниҳоятда сифатли ўтказмоқдалар.

— Ҳамма ерда ҳам ҳосил шунақами? — деб сўрашди меҳмонлар?

— 140 гектарнинг ҳаммасида ҳам шунақа. Бундан ҳам яхши бўларди-ку, — деб жавобида давом этди бригадир, — лекин ғўза энди чинбарг чиқарганда, Қўқоннинг тўполон шамоли юлиб-юлқиб кетди. Чигитни қайтадан биринчи июнгача экишга тўғри келди.

Ҳақиқатан ҳам бу бригадада ғўзаларни шамол бутунлай олиб кетган эди. Ишчилар қўлдан кетган фурсатни қоплаш учун қайта экилган ғўзаларни парвариш қилиш, унинг серҳосил бўлишини таъминлаш учун ҳамма чорани кўрдилар. Айниқса суғориш билан культивацияни бир-бири билан маҳкам боғлаб олиб боришга жиддий эътибор берилди. Ғўзани тез ривожлантириш ва тез ҳосилга киритиш учун бу йил «шарват» барвақт оқизилди. Кўчат сийрак бўлган пайкаллар алоҳида ишланди.

Механизациядан кенг равишда фойдаланиш яхши йўлга қўйилганлигини меҳмонлар алоҳида таъкидладилар. Совхоз агрономи ўртоқ Ниёзов бу ҳақда ҳамма ишни ҳикоя қилиб берар эди. Шу вақт меҳмонларга икки қиз пешвоз кела бошлади. Агроном бу қизларни таништирди:

— Бу — Ўғилой, буниси Тўхтахон. Булардан бошқа яна икки қизимиз Турсуной изидан бориб, механик-ҳайдовчилар курсини яқинда битиришди.

Ўғилой Аҳророва меҳмонлар билан кўришиб қайтар экан: «Кузда албатта келинглар, пахтани фақат машинада терамиз, бу йилги ниятимиз шу» деди.

Мусобақадошлар ютуқлар билан бирга, бир қанча камчиликларни ҳам аниқладилар. Совхоздаги баъзи бўлимларда ғўзанинг кўкига магрурланиб кетиш ҳоллари содир бўлмоқда. Айрим жойлардаги ғўза устма-уст суғорилган, вақтида культивация қилинмай, ўтга бостириб қўйилган. Абдуллажон Ҳасанов бошлиқ бригадада трактор ўрнига кетмон ишлатилмоқда. Тракторчи Ҳамидали Солиев ишчи органини нотўғри ўрнатгани учун машина ҳосилга кирган ғўзаларни пайхон қилган. Раҳмонов бошлиқ бригадада эса ёппасига сув қўйилиб, карта кўллатиб юборилган.

Совхозда ойлик иш графиги бажарилмаётир. 70 «универсал»дан 55таси юрса ҳам, булар иш нормасини бажармайди.

Меҳмонлар бундай камчилик ўртоқ Михальянс директорлик қилаётган «Қўқон» совхозида ҳам содир бўлаётганлигини таъкидладилар. Бу ерда чеканка кечиктириб юборилмоқда.

Мусобақадошлар маккажўхорини парвариш қилиш билан ҳам қизиқмоқдалар. «Қўқон» совхозида 600 гектар ерда маккажўхоридан яхши ҳосил етиштирилган. Лекин буни ўз вақтида ўриш, силос бостиришга киришилмаган. Совхозда биттагина комбайн бор. У ҳам ишлатилмайди.

Меҳмонлар қаерга бормасинлар, ютуқларни жуда синчиклаб ўрганишга алоҳида эътибор қилмоқдалар ва камчиликларни тезда тугатиш юзасидан қимматли маслаҳатлар бермоқдалар.

А. ҲАМДАМОВ.

МАШИНАДА ТЕРИЛАДИ

НАВОИЙ, **(Қизил Ўзбекистон» мухбири).** Ўтган йили «Норпой совхозида пахтанинг анча қисми машинада терилди. Ўртоқ Хўжақул Эргашев бошлиқ 4-бўлимда кетмон ишлатилмади. Ҳосилнинг учдан бири машинада териб олингани натижасида бир центнер пахта таннархи пландаги 166 сўм ўрнига 128 сўмга тушди.

— Мана шу карта,—деди Хўжақул эта,—146 гектар, фақат битта бригадамиз ғўзаси. Ўтган йили Дона Нурматов бошлиқ бу бригада 60 процент ерини машинада тердирган эди. Бу йил ҳаммасини машинада теришга ажратганмиз.

Қаҳрамонов, Аҳмад Яхшиев, Эгамберди Шукуров ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам пахтани машинада теришга кўп майдон ажратилди. Бўлим бўйича 1050 гектар пахта еридан 800 гектари машинада терищга планлаштирилди. Буларнинг ҳаммаси деярли текис ва катта карта. Пахтаси машинада теришга ажратилган участкаларнинг ғўзаси сифатли парвариш қилиняпти. Сув фақат эгат оралатиб қўйилмоқда.

Бўлимда механик-ҳайдовчиларга ҳосили машинада териладиган участкалар ҳозироқ биркитилди. Улар ўзлари экқан карталардаги ғўзани ўзлари парвариш қилмоқдалар. Етиштирилган ҳосилни ҳам ўзлари машинада терадилар. Сарвар Алимов, Рефат Фуружнев, Толиб Юсупов сингари механик-ҳайдовчилар ҳозиргача 700 гектардан ва ундан кўп ғўзани культивация қилди. Бултурги мавсумда юз тоннадан кўп пахта терган бу механизаторлар бу йил камида 150 тоннадан теришга аҳд этдилар.

Яқинда машинада теришга ажратилган участкалар қайтадан текшириб чиқилди. Бўлим ва бригадаларда ғўзаси ривожланишдан кейинда қолган баъзи участкалар ўрнига бошқа далалар ажратилди. Шундай қилиб бу йил совхознинг 4200 гектар пахта майдонидан 3200 гектаридаги ҳосил машинада терилади.

Совхознинг ишчилари ва механизаторлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Министрлар Советининг «Республика колхоз ва совхозларида пахтани машинада теришга тайёргарлик кўришнинг бориши ҳақида»ги қарорини муҳокама қилгач бу йилги вазифа катта эканлигини ҳисобга олиб, бир қанча амалий тадбирларни белгиладилар. Бу йил теримда 48 та ҳар хил маркали машина қатнашади. Ҳозир совхоз трактор паркидаги «ХВС-1,2» ва «СХС-1,2» машиналар тахт қилиб қўйилди. 30 та «СХМ-48 М» машина ремонтдан чиқарилди. 10 августгача барча машиналар ремонт қилиб бўлинади.

Л. ЭРГАШЕВ.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ДЎСТЛАР, СИЗЛАРГА КАТТА ЮТУҚЛАР ТИЛАЙМИЗ

(Боши биринчи бетда)

колхозларда фосфор етарли солинмаяпти. Тошкент область колхозларида эса суперфосфат кўпинча маҳаллий ўғитга аралаштирмасдан солиняпти.

Самарқанд область пахта далаларида ўргимчакканнанинг, Сурхондарё область пахта далаларида эса ўргимчаккана ва кўсак қуртининг кўплаб тарқалишига йўл қўйилган. Зараркунандаларга қарши курашилмаган, деб бўлмайди, лекин бу иш жуда суст бормоқда. Ҳолбуки, юз берган аҳвол ғўза зараркунандаларини қириб ташлаш учун шошилинч равишда муҳим чораларни амалга оширишни талаб қилади. Жумладан, Пастдарғом, Иштихон, Хатирчи, Пойариқ, Сариосиё, Яккабоғ, Китоб ва Шаҳрисабз районларида аҳвол айниқса ташвишли. Бу районларда зараркунандалар ҳосилга ҳозирнинг ўзидаёқ анча зарар етказган.

Бу йилги шароитда, бизнингча, ғўзани ўз вақтида чеканка қилишнинг алоҳида фойдаси бўлади. Лекин шуни айтиш керакки, Сурхондарё, айниқса Тошкент областларидаги колхозларда, шунингдек, Самарқанд областининг Жиззах районида чеканкани бошлаб юбориш пайсалга солинмоқда, айрим участкаларда чеканка муддати ўтказиб юборилапти.

Ғўзани парвариш қилишдаги камчиликлар ҳақида гапирар эканмиз, биз Гулистон, Бўка, Шўрчи, Шаҳрисабз, Косон районларида олинган мажбуриятларни бажариш юзасидан етарли иш қилинмаётганлигини яна бир марта алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча, Денов районида ҳам мўл ҳосил етиштириш учун кураш қониқарли эмас, чунки бу район ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган.

Маккажўхори ва ем-хашак бўладиган бошқа экинлар тўғрисида ҳам икки оғиз гапириб ўтмоқчимиз. Шу нарса қувончлики, жамоат чорвачилиги учун мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтириш соҳасида жиддий иш қилиняпти. Катта майдонларга маккажўхори, оқжўхори, беда, озуқа бўладиган илдизмевали экинлар экилган. Биз кўпгина колхозларда маккажўхорининг авжи яхшилигини кўрдик.

Шунга қарамасдан, айрим колхоз ва совхозларда ем-хашак бўладиган экинлар яхши парвариш қилинмаётир, кўп ҳолларда беда ўз вақтида ўриб олинмаяпти, силос бостириш ҳам секин бормоқда.

Ўзаро текшириш якунлари район кенгашларида ва Самарқанд, Сурхондарё областлари активлари йиғилишида, шунингдек Самарқанд ва Сурхондарё область партия комитетларининг район партия комитети секретарлари, район ижроия комитетларининг кенгайтирилган бюро мажлисида кенг муҳокама қилинди. Шунингдек, иккита районда — Тошкент областининг Бекобод ва Ўрта Чирчиқ районларида кенгаш ўтказилди.

Ҳамма колхозларда, совхозларда ва районларда бизни зўр мамнуният билан энг яқин қардошларидек ва самимий кутиб олишди. Бизнинг дўстона маслаҳатларимиз ва билдирган фикрларимизни қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун умумий курашимизда дўстлик ёрдамининг ифодаси деб қабул қилдилар.

Бизнинг ҳамма мулоҳазаларимизни маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, колхозларнинг, совхозларнинг ва бригадаларнинг раҳбарлари қабул қилиш билан бирга аниқланган камчиликларни тугатиш учун дарҳол шошилинч чораларни кўрганликларини қониқиш билан айтиб ўтамиз. Биз ҳамма жойда зўр меҳнат ва сиёсий активлик авж олганлигини кўрдик. Кўпгина бригадалар, колхозлар, совхозлар ва районлар пахта етиштириш юзасидан ўз зиммаларига янги оширилган социалистик мажбурият олмоқдалар. Бу эса Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 1960 йилда мамлакатга 3 миллион 170 минг тонна пахта етказиб бериш, бунинг учун мўл ҳосил тўплаш йўлида куч ва ғайратларини аямай ишлаётганликларининг далилидир.

Пировардида биз бир қанча истакларимизни билдирмоқчимиз:

1. Текшириш ўтказилган областларда, айниқса Самарқанд областида ва Тошкент ҳамда Сурхондарё областларининг бир қатор районларида ғўза ёшлигини назарда тутиб, биз ғўза парваришини августда ҳам сира бўшаштирмасдан давом эттириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Самарқанд областидаги кўпчилик районларда ғўза парваришини пахта йиғим-терими бошлангунча давом эттириш зарур. Ғўзани кўндалангига ишлашга алоҳида эътибор бериш керак.

2. Ғўзани чанқатиб қўйишга ва ортиқча суғоришга йўл қўймаслик, суғоришни қатор ораларини юқори сифатли ишлаш билан чамбарчас боғлаб олиб бориш лозим.

3. Биз қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши, айниқса, ўргимчакканага қарши курашга жиддий эътибор берилишини, ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун ҳашоратни қириб ташлаш — профилактик тадбирларни кучайтиришни истар эдик. Самарқандлик ва сурхондарёлик ўртоқларимиз бунга алоҳида эътибор беришлари керак.

4. Чеканкани ўтказишни тезлаштириш зарурлигини яна бир карра айтиб ўтмоқчимиз.

Биз Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари етти йилликнинг иккинчи йилида ўз зиммаларига олган мажбуриятларнинг ҳаммасини муваффақиятли бажарадилар ва буюк етти йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш учун курашдан иборат умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшадилар деб ишонамиз.

ТОЖИКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ЎЗАРО ТЕКШИРИШ БРИГАДАСИ.

ҒЎЗА БЕЗАНАДИ

Киромиддин ота звеносида ғўза энди барг чиқариши биланоқ, қатор оралари юмшатилиб, ўсимлик озиқлантирилди. Ғўзанинг иккинчи комплекс парвариши ҳам қизғин бошлаб юборилди. Лекин об-ҳаво паст келиб, ғўзанинг ривожланишини бир оз тўхтатиб қўйди.

Аммо бу, асл деҳқоннинг шахтини қайтаролмади. Саратон кириб, ҳаво исигач ғўзани сувга қондириш зарурлигини Киромиддин ота биларди. У, ўз шогирдлари Йўлдош Қаюмов, Эгамберди Анасов, Абдуваҳоб Назаров билан бутун тунни далада ўтказишди.

— Кундузи кун исиганда суғорилган ғўза узоқ йўл юриб келиб, сув ичган киши қандай аҳволга тушса, шундай аҳволга тушиб қолади, — дейди ота, — салқинда суғорилган ғўза ҳосил тугунчаларини тўкиб юбормайди.

Кекса пахтакор ҳақ гапиради. У, ғўзаларни асосан тунда суғориб, мўл ҳосил тўплашга эришмоқда. Бошқа бригада, звеноларнинг ғўзаси гул кўрсатганда, унинг ғўзаси кўсаклай бошлади.

Сирдарёнинг ўнг соҳилида гуркираб ўсаётган яшил квадратлар кўзни қувонтиради. Тизза бўйи келиб қолган ғўза шона, гул, кўсак билан безанган. Қатор ораларида биронта ҳам ёввойи ўт кўринмайди, ғўза соғлом ва беғубор. Тупроқ юмшоқ, эгатлар маромида намланган. Ҳар туп ғўзада 20 тагача шона, 12—15 тагача гул, 3—4 тадан кўсак бор.

Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ҳабибулла Юсупов бошлиқ трактор-далачилик бригадасида ғўза тўрт марта узунасига ва кўндалангига ишланиб, уч марта озиқлантирилди. Суғориш ўсимлик талаби, ер шароитига қараб ўтказиляпти.

Мана асад ойи. Офтоб далани тандирдай қиздирмоқда. Ғўзасини колхозда биринчи бўлиб кўсаклатган қаҳрамон бошлиқ бригада даласида иш қизғин. Ғўзани ўтоқ қилаётганларнинг ҳам, культивация ўтказаётганларнинг ҳам, тунги суғоришга тараддудланаётганларнинг ҳам, ҳашаротга қарши курашаётганларнинг ҳам фикри-зикри — 150 гектарда 675 тонна ҳосил тўплашдир.

И. НАРЗУЛЛАЕВ,
Б. ҚАЮМОВ.

ЯНГИ МАКТАБЛАР

Тошкентнинг Оқтепа ва Жарариқ массивларида янги мактаб бинолари қад кўтаряпти.

Бу икки мактаб янги ўқув йилигача тахт қилинади ва уларда 2 мингдан ортиқ ўғил-қиз ўқийди.

А. Абдумуталов.

ПИОНЕР ЁЗИ КЎНГИЛЛИ ЎТМОҚДА

Республикамизнинг барча область ва районларида болалар бу йилги дам олишларини жуда кўнгилли ўтказяптилар. Ҳамма ерда шаҳар ва область пионер лагерлари, болалар санаторийлари, шаҳар болалар лагерлари ишлаб турибди. Республикадаги шаҳар ва область пионер лагерларида ва мактаблар қошидаги майдончаларда 100 мингдан ортиқ бола дам оляпти. Ёз бошидан буён ўқувчиларнинг катта бир группаси туристик поход ва экскурсияларда юрибди. Бундай экскурсия ва походларда янги ўқув йили бошлангунга қадар 25 мингга яқин ўқувчи дам олади.

Ҳозир ёзнинг айни иссиқ кунлари. Мактаб ўқувчиларимиз оромбахш боғ ва гулзорлар бағрида. Улар янги ўқув йилига янги куч ва ғайрат билан ўқишга киришадилар.

СУРАТДА: Хоразм область пионерлар лагерида дам олаётган ўқувчилар «Ғазовот» канали бўйида. Хоразм область пионерлар лагерида бу йилги мавсумда 500 дан ортиқ бола дам олади.

ҲАЗОРАСПЛИК ШОВВОЗ

Ҳазорасп районидаги Сталин номли колхоз раиси Ғойиб Сафаров билан учрашиб қолдик.

— Ғўзаларингизни жуда ўт босиб кетибди-ю, чўчитиб юбормайлик деган андиша билан оҳиста сўрадик.

— Ҳим... жуда жонимизга тегди. Бизнинг далалардаги ўтнинг уруғи қаёқдан тарқалган экан. Биттасини чопсак, ўнта бўлиб чиқади.

— Юз гектардан ортиқ беда ўрилмай чўп бўлиб қотиб кетибди-я...

— Э, қайси ишга қарашимизни ҳам билмай қолдик, бошқа колхозларда ҳам шунақамикин...

— Йўқ, қўшниларингизда ўтларнинг ўзи юлиниб, ўзи молхонага борармиш, бедалар бир кечада ўрилиб, ғарамланиб қолармиш...

— Қўйсангизчи ҳазилингизни... Қани энди, шунақа механизация ҳам чиқса...

Аввал Ғойиб Сафаров хурсанд кулиб қўяди. Ундан кейин партия ташкилотининг секретари Матёқуб Бобожонов, агроном Сафар Бектурдиев илжайишади. Кайфи чоғ бўлган Ғойиб Сафаров яна қовоқтумшуғини осиб, папирос тутата бошлади.

Ғўзасини ўт босган, бедаси ўриқсиз колхознинг, эҳтимол, бошқа ишлари саранжомдир, деган эдик, нотўғри бўлиб чиқди. Балки, пахтачиликдаги ишлар билан танишиб қайтаверган бўлардик. Суҳбат устига ўрдак боқар Аҳмад Юсупов кириб қолди-ю, «жириш»ни бузди. У кабинет эшигидан кирибоқ, раиснинг олдига бир парча қоғоз ташлади.

— Ҳа Аҳмад ака, тинчликми?

— Ўрдак болалари тўхтовсиз ўлиб тургандан кейин тинчлик бўлармиди?! Мана, яна ёрма буғдой ёриб беришибди. Тухумдан чиққан ўрдакча дон еяладими, ахир.

— Ҳа, намунча, ўзингизни босинг, бу ерда биз бор-ку, тўғрилаб берамиз...

— Бултур ҳам шу ерда сиз бор эдингиз. Ўрдак учун жой, дон керак десак, чап кўзингиз билан қарайсиз, ўрдак гўштига ўнг кўзингиз билан тикиласиз... Шу гапларни айтгани уяламан, лекин айтмасам армон, ёшулли!

Ўрдакбоқарнинг раисга бу жавоби ёқди, шекилли, тиззасига уриб кулди.

— Кулманг, ёшулли, жоним куйганидан шундай деяпман. 80 мода ўрдакка 66 нор ўрдак қўшиб боқяпмиз. Нор ўрдаклар тухум босиб ётган мода ўрдакларга тинчлик бермай, 500 дан ортиқ тухум нобуд бўлди...

Шу гапларни айтди-ю, ўрдак боқар Аҳмад Юсупов, «ҳой, ҳой»-га ҳам қарамай зарда билан эшикка чиқиб кетди.

— Жуда ғалати одам-да...

Раис ўрдакбоқарни таърифламоқчи бўлиб турган эди, хонага ўрта ёшли киши кириб келди ва ҳамма билан бир-бир кўришди:

—Старший чўпонимиз Жумабой ака Ҳайитбоев шу киши бўладилар...

— Старший чўпон деган лавозим бошқа колхозларда йўқ шекилли?

— Бўлмаса бу вазифани ким бажаради?

— Хўп майли, буёғи бошқа масала, Жумабой аканинг ишлари қалай?

Раис старший чўпонга, у раисга қараб олишди. «Ёмон эмас» деб кутилишмоқчи бўлган эди, аммо бухгалтериядаги қалин дафтар варақланиб қолди. У киши старший бўлгач, 865 совлиқдан 668 қўзи олишибди, баҳорги қирқимда бир қўйдан бир килограммга етар-етмас жун қирқилибди. Ориқ қўйларнинг энг кўпи шу отарда экан.

Ўрдак фермасидаги, қўйчиликдаги аҳволни қисман айтиб ўтдик. Энди сигирчилик, чўчқачилик соҳасидаги гаплардан эшитинг. Сигирлардан сут соғиб олишда бу колхоз охирги ўринга ёпишиб олган экан. 1 литр сутнинг таннархи бир сўм беш тийин. Чўчқа гўштининг бир килограмми 16 сўм 19 тийин билан тайёр бўлибди. Чўчқачиликка идрокли кишилар бош бўлган хўжаликларда кони фойда, Ғойиб Сафаров қўлида бир йилда 40 минг сўм зарар келтирибди.

Ғўзаси ўт босиб, ўсишдан кечикаётган, ўрдак, чўчқалари кўпайиш ўрнига, камаётган, сигирлари кам сут бераётган, бедаси ўриқсиз қолиб кетаётгани ҳолда катта хўжаликнинг жиловини бўшаштириб юборган Ғойиб Сафаровга қачонгача «яшанг, шоввоз!» деб елкасига қоқилади?

С. МАҲКАМОВ,
С. ИБРОҲИМОВ.

Хоразм области.

БЕДАНАБОЗГА

Қирқ йил яшаб қуйилмадинг, эй дардисар!
Эрта-ю кеч қуш кўтариб умринг ўтар.
Қилар ишинг тайини йўқ, қашқа таёқ,
Дангасасан, ишла десак энсанг қотар.
Ейма судраб пайхон қилдинг кўк бедани,
Қилган ишинг бари шундай элга зарар.
Кун кўрасан беданани уриштириб,
Бойваччасан қимор ўйнаб ютсанг, агар
Ютқазгудек бўлсанг ғирром, шармандасан,
Безор сендан таниш-билиш, аҳли гузар.
Келиннинг ҳам бисотини бой бергансан,
Бечоранинг дод-фарёди дилни эзар.
Саёқликни бас қил энди, мен кафилман
Ишга кириш, меҳнат сенга бахт келтирар!
Тўғри гапга кўнмас бўлсанг номинг айтиб
Ошкор қилай, шарманда бўл бундан баттар!

Ҳабиб ПУЛАТОВ.

„НАШТАР" СПРАВКАЛАРИ

«Коммунизм» колхозининг собиқ бухгалтери Абдуҳалим Ҳолйигитовнинг Тожикистон ССР, Регар районида Ойшахон Каримовага уйланганлиги, икки ўғил, икки қиз кўргач, 1953 йилда Фарғона областининг Қува районига қуёв кувиб келганлиги ва фарзандларидан хабар олмай, шу ерда тухум босиб қолганлиги рост.

Бу справка шу масаладан яхши хабардор бўла туриб, оғзига толқон солиб келаётган Қува район прокуратураси ходимларининг кўзини очиб қўйиш учун берилди.

* * *

Берилди ушбу справка шу тўғридаким, Гурлан район автобазасининг директори Саид Айитбоев ҳақиқатан ҳам яқинда суннат тўйи қилиб, Бахтиёр ва Давронбек исмли ўғилларининг қўлларини «ҳалоллаб» олди. Тўйда бир қорамол, икки катта қўчқор бўғизланиб, 160 килограмм гуруч дамланди, қанчадан-қанча яшиклардаги шишаларнинг пробкаси учирилди. Айитбоев итоатидаги шофёрлар ва бошқа ошна-рўшналар 35 бош қўйни тўяна қилиб келишди. Жарақ-жарақ тушган пулларнинг сон-саноғи йўқ.

Мазкур ўртоқ ўзининг тўйида «яллама ёрим» айтган ашулачиларга, қошини қоқиб, елкасини учирган дайди артистларга 7 минг сўм пул, 3300 сўмлик 37 дона ипак рўмол тортиқ этди.

Яна бунда махфий қолмагайким, мазкур ўртоқнинг Манғит автобазасида директор бўлиб турганида мансабидан фойдаланиб, данғиллама уй-жой солганлиги, гапсўз кўпая бергач, уни 50 минг сўмга пуллаганлиги, Гурланга келиб, автобаза ҳисобига янги данғиллама участка қуриб олганлиги тўғри.

Печать ва имзолар билан тасдиқланган бу справка Хоразм область партия комитетига берилди.

Редактор ўринбосари
Қ. УЗОҚОВ.

ДАНИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Дания қишлоқ хўжалиги делегацияси Ўзбекистон пойтахтига келди. Делегацияга Дания фолькетинги (парламенти) депутати Густав Хольмберг жаноблари бошчилик қилмоқда. Делегация составида фолькетинг депутатлари — Даниядаги ҳамма олтита сиёсий партиянинг вакиллари, деҳқонлар ташкилотларининг вакиллари, атоқли жамоат арбоблари, қишлоқ хўжалик мутахассислари бор.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри Ж. Хоназаров делегация аъзоларини қабул қилди. Меҳмонлар «Ташсельмаш» заводини ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг пахтачилик илмий тадқиқот институтини бориб кўрдилар.

Дания делегацияси 23 июлда Самарқандга жўнаб кетди. Делегация бу ердаги тарихий ёдгорликлар билан танишади ва область колхозларидан бирини бориб кўради. (ЎзТАГ).

АМЕРИКА КАСАБА СОЮЗ АРБОБЛАРИ АДЛЕРГА ЖЎНАБ КЕТДИЛАР

Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган автомобиль саноати бирлашган касаба союзи 212-маҳаллий бўлими ижроия комитетининг аъзоси Эрнест Мейзи бошчилигидаги Америка касаба союз делегацияси бир неча кун давомида Ўзбекистонда бўлди.

Америка касаба союз арбоблари Тошкент тўқимачилик комбинатида, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетида, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида бўлдилар. Меҳмонлар Калинин районидаги Карл Маркс номли колхозни бориб кўрдилар.

Америка касаба союз делегацияси 23 июлда Тошкентдан Адлерга жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

ПРАВДА ВОСТОКА

«Ҳар бир кишининг саломат бўлиши — ҳаммамизнинг қувончимиз!» — газетанинг бугунги сонида берилган бошмақола шундай номланган. Унда даволаниш муассасалари қуриш етти йиллик планини муддатидан илгари бажарган Андижон областининг иш тажрибаси ҳақида ҳикоя қилинади. Шу масала юзасидан газетанинг учинчи саҳифасида материаллар ўқийсиз.

Тожикистон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг бошлиғи Х. Мирзаянц республикамиз колхозларида ғўзани парвариш қилишга доир олган таассуротларини хабар қилади.

Газетанинг учинчи бетида коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдори номини олиш учун мусобақа илғорларининг республика кенгашида музокарага чиққанларнинг сўзлари берилган.

ЎЗБЕКИСТОНИ СУРХ

Газетанинг бугунги сонида коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари номини олиш учун мусобақа илғорларининг республика кенгаши ҳақидаги материаллар босилган. Шунингдек саноат корхоналаридаги коммунистик меҳнат коллективларининг муваффақиятлари ҳақида хабарлар бор.

Газетанинг учинчи бетида республика колхоз ва совхозларида ғўзани парвариш қилишдаги муваффақиятлар ва бу соҳада йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳақидаги мақолани ўқийсиз.

Тўртинчи бетда тожик ёзувчиси Жалол Икромийнинг «Феруза» номли романидан парча, шунингдек республика ва чет эл ҳаётига доир хабарлар босилган.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

⊙ АҚШ ядро қуролларини портлатиш ниятидан қайтгани йўқ. ⊙ Конгога Совет ҳукуматининг ёрдами. ⊙ Африка ва Осиё халқлари Куба халқининг қаҳрамонона курашини тўла қўллаб-қувватлайди. ⊙ Конгодаги қонли интервенция учун бутун жавобгарлик АҚШ устига тушади. ⊙ Хавфсизлик Кенгашида АҚШ ҳарбий авиациясининг СССРга қарши қаратилган янги агрессив ҳаракатлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

УЧ ДАВЛАТ КЕНГАШИДА СССР ВАКИЛИНИНГ БАЁНОТИ

ЖЕНЕВА, 22 июль. (ТАСС). Америка ва Англия матбуотида АҚШ ҳукуматининг ер остида турли қувватдаги кўп портлатишлар ўтказишга қарор берганлиги тўғрисида янги хабар пайдо бўлганлиги муносабати билан ядро синовларини тўхтатиш бўйича уч давлат кенгашида қатнашаётган Совет Иттифоқи вакили С. К. Царапкин кеча баёнот берди.

АҚШ ҳукумати, деди СССР вакили, ўзининг ана шу планларини анча вақтдан буён мақтаб келмоқда. Уч давлат кенгашининг қатнашчиларидан бирортаси ҳам 1 йилу 9 ой мобайнида портлатиш ўтказмаётганлигини ва бу ҳолат ядро қуролига эга бўлган уч давлат ўртасидаги музокараларни муваффақиятли тамомлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга жуда ижобий омил эканлигини таъкидлаб, С. К. Царапкин яна бундай деди: АҚШ ҳукумати шу йил 7 майда Оқ уйнинг баёнотида шу йил охирида ядро қуролини ер остида яна портлата бошлайди, деб эълон қилди.

АҚШнинг 1961 йилги бюджетида шу мақсад учун 66 миллион доллар маблағ ажратилган. Бу маблағ бу йил ана шу мақсад учун ажратилган маблағдан қарийб 7 баравар ортиқдир. АҚШ ҳукумати ўз ниятларини илмий мақсадларни рўкач қилиб, оқламоқчи бўлади, ҳолбуки бу ишларнинг ҳаммаси тинчликни кўзда тутган илмий мақсадлар учун эмас, балки ядро қуролининг асосий истеъмолчиси бўлган Пентагоннинг ҳарбий мақсадларини кўзда тутиб қилинаётганлиги ҳар бир кишига аёндир.

Царапкин яна бундай деди: Оқ уйнинг бу ахбороти жуда ғалати таассурот қолдирди, чунки ядро қуролини тадқиқот программасига мувофиқ, тажриба тариқасида портлатиш тўғрисидаги масала уч давлат кенгашида олиб бораётган музокараларда муҳокама қилинаётганлиги маълум. Совет делегациясининг турли вақтларда шу тўғрида берган саволларига жавобан Қўшма Штатларнинг вакили Оқ уйнинг 7 майдаги баёноти тўғри эканлигини таъкидлаб келди, лекин у шу ондаёқ «ядро қуролини портлатишнинг қатъий планлари ҳали ишлаб чиқилган эмас» деб хабар қилди. Аммо, АҚШ мудофаа министрлиги 17 июлда АҚШ да ядро қуролини портлатиш юзасидан 2 йилга мўлжалланган программанинг тафсилотларини эълон қилди.

Совет делегацияси ядро қуролини яна портлата бошлашга йўл қўйиш мумкин эмаслигига АҚШ делегациясининг эътиборини кўп марта жалб этган эди ва Совет Иттифоқи АҚШнинг тадқиқот программасига мувофиқ, бир неча ядро қуролини портлатишига рози эканлиги, аммо, Қўшма Штатларнинг шу тўғрида Совет Иттифоқи билан келишиб олиши шарт қилиб қўйилганлигини таъкидлаган эди. Биз, деди яна Царапкин, Совет Иттифоқининг позицияси тўғрисида АҚШ да ҳеч қандай шубҳа туғилмаслиги ва англашилмовчилик бўлмаслиги учун бу масалани кўп марта ўртага қўйдик.

С. К. Царапкин ўз баёнотининг охирида қуйидагиларни таъкидлади: АҚШ вакилининг нутқи ва унинг саволларимизга берган жавоблари Америка тадқиқот программасига мувофиқ ядро қуролини портлатиш масаласи фақат АҚШгагина таалуқли иш деган тарзда бўлганлиги сабабли, совет делегацияси яна бир марта шундай баёнот беришни зарур, деб ҳисоблайди. АҚШ ҳукумати ядро қуролини яна портлата бошлаш тўғрисидаги бундай баёнотларни қилгани ҳолда унинг ана шу ҳаракатлари музокараларимизга катта зарар етказиши мумкин эканлигини ва умуман халқаро вазиятга шубҳасиз, жуда ёмон таъсир кўрсатишини яхши билади. Совет делегацияси АҚШнинг ядро қуролини яна портлата бошлаш соҳасидаги ҳаракатлари қандай оқибатларга олиб келишини яхши билиб олишини истайди.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК, 23 июль. (ТАСС). Кеча Нью-Йорк вақти билан соат 15-20 минутда, (Москва вақти билан соат 22-20 минутда) Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси очилди. Бу мажлис Совет Иттифоқининг илтимосига мувофиқ чақирилди.

Хавфсизлик Кенгашининг кун тартибида қуйидаги масала бор: «Америка Қўшма Штатлари ҳарбий авиациясининг Совет Иттифоқига қарши қаратилган ва умумий тинчликка таҳдид қиладиган янги агрессив ҳаракатлари тўғрисида».

Хавфсизлик Кенгаши кун тартибини тасдиқлаганидан кейин, Совет Иттифоқининг вакили, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов сўз олди.

В. В. Кузнецов СССР ҳукумати АҚШнинг агрессив ҳаракатлари давом этаётганлиги тўғрисидаги масалани бу йил иккинчи марта Хавфсизлик Кенгаши муҳокамасига қўйишга мажбур бўлганлигини эслатиб, бундай деди: Америка бомбардимончи самолётининг СССР чегараларини бузиб ўтганлиги АҚШ ҳукумати тинчлик иши учун хавфли бўлган йўлдан боришни давом эттираётганлигини исбот қилади. Бу йўл юксак доирадаги кенгашни барбод этишга олиб келган ва жаҳон жамоатчилиги ана шу йўлни якдиллик билан қоралаган эди.

В. В. Кузнецов Совет ҳукуматининг топшириғига биноан, резолюция лойиҳасини Хавфсизлик Кенгаши муҳокамасига тақдим этди. Бу лойиҳада АҚШ ҳарбий авиациясининг давом этаётган иғвогарлик ҳаракатларини агрессив ҳаракат деб ҳисоблаб, уларни қоралаш Хавфсизлик Кенгашига таклиф этилади. Резолюция лойиҳасида Қўшма Штатларнинг ҳукумати бундай ҳаракатларни тўхтатиш ва бундан буён шундай қилинишига йўл қўймаслик учун дарҳол чора кўрсин, деб талаб қилинади.

Шундан кейин, АҚШ вакили Лодж икки минут сўзлаб, Американинг «РБ-47» разведкачи самолёти гўё совет қирғоғидан 50 миля нарида уриб туширилди, деб қуруқ даъво қилиш билан чекланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши бу билан ўз ишини 25 июль душанба кунигача кечиктирди.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорига мувофиқ Конго Республикасига юбориладиган қўшинлар учун Совет автотранспорти

Маълумки, мустақил Конго Республикасига қарши империалистик агрессия муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши БМТ аъзолари бўлган баъзи давлатларнинг ҳарбий қисмларини Конгога юбориш тўғрисида қарор қабул қилди. Ана шу қарорга амал қилиб, БМТ бош секретари Конго Республикасига юбориладиган қуролли кучлар учун юк автотранспорти бериш ҳақидаги илтимос билан Совет ҳукуматига мурожаат қилди.

Совет ҳукумати бу илтимосга ижобий тарзда қаради. Ана шу қуролли кучлар учун «ГАЗ-63» типидаги 100 совет юк автомашинаси, ана шу автомашиналар учун бир қанча запас қисмлар ва битта автомобиль ремонти устахонаси берди.

Автомашиналардан фойдаланишда техника жиҳатидан ёрдам кўрсатиш учун инструкторлар группаси юборилади.

Автомашиналар, автомобиль ремонти устахонаси ва запас қисмлар совет пароходига ортилиб, шошилинч равишда Конгонинг Матади портига етказиб берилади.

(ТАСС).

ХОИНЛИККА 50 МИНГ ДОЛЛАР

НЬЮ-ЙОРК. Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги мухбири Кингистондан (Ямайкадан) хабар беради: «Кубана» авиация компаниясининг Майамага учиб кетаётган самолётидаги учувчи 18 июлда иккинчи учувчига қурол ўқталиб, ундан самолётни Кингистонга қўндиришини талаб қилган. Самолётда 52 пассажир бўлган. Учувчи дарҳол бошпана берилишини сўраган. У бош министр Фидель Кастро ҳукуматини ағдармоқчи бўлаётган ташкилотнинг аъзоси эканлигини айтган.

Самолёт Гавана аэропортидан учиб кетиши биланоқ Менендес 35 ёшлардаги иккинчи учувчи Коллига ўқлоқ револьверни ўқталиб, уни Палисадос аэродромига қараб учишга мажбур қилган. Пассажирлар то Ямайкага етиб келгунларича нима бўлганини билмаганлар, чунки Менендес ўртадаги эшикни маҳкам беркитиб қўйиган.

Кубанинг Ямайкадаги элчиси Клюс Менендесга иккинчи учувчини самолётни бу ергача учириб келишга мажбур қилиши учун 50 минг доллар тўланганлиги тўғрисида қўлимда «исбот-далиллар» бор, деган. Клюс Менендеснинг кеча самолёт келиб қўнган Майамада бу пулни олганлигини ҳам айтган.

«ҚАБИҲ ИҒВОГАРЛИК»

ҚОҲИРА, 22 июль. (ТАСС). Африка ва Осиё халқлари бирдамлиги кенгаши доимий секретариати баёнот эълон қилди. Бу баёнотда империалистларнинг Кубага нисбатан юргизаётган тазиқ сиёсати қораланади.

Баёнотда айтиладики, Осиё ва Африка халқлари бирдамлигининг Конакрида бўлиб ўтган иккинчи конференциясининг Латин Америкаси мамлакатлари халқлари билан мустаҳкам, дўстлик муносабатлари ўрнатиш ҳақидаги қарори Африка ва Осиё қиталаридаги мамлакатларнинг зиммасига дўст Куба халқининг миллий экономикасини Америка монополиялари зулмидан озод қилиш йўлида олиб бораётган курашида ана шу халқни тўла ва қатъий суратда қўллаб-қувватлаш вазифасини юклайди.

«Вашингтон ҳукуматининг Куба қандини харид қилишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорига, — деб уқтириб ўтилади баёнотда, — мардона куба халқини очлик исканжасида бўғишга қаратилган қабиҳ иғвогарликдан бошқа нарса эмас, деб баҳо бермаслик мумкин эмас».

Баёнотда Қўшма Штатларнинг Кубанинг ички ишларига аралашаётганлиги кескин қораланади ҳамда Африка ва Осиё халқлари Куба халқининг қаҳрамонона курашини тўла қўллаб-қувватлаётганликлари айтилади.

КОНГОДАГИ ИНТЕРВЕНЦИЯГА ҚАРШИ

Дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг жамоатчилиги ва матбуоти Конго халқи билан ўз бирдамликларини изҳор қилмоқдалар. Улар Бельгия ҳамда Ғарбдаги бошқа мамлакатларнинг империалистлари томонидан Африкадаги ёш мустақил республикага нисбатан қилинаётган агрессив ҳаракатларга лаънатлар ўқимоқдалар.

Германия Демократик Республикаси матбуоти Конгодаги воқеаларга катта эътибор бериб, Конгодан Бельгия қўшинларини дарҳол олиб чиқиб кетиш ҳақида Конго халқининг талабини қизғин қўллаб-қувватламоқда. «Трибюне» газетаси «Конго ёлғиз эмас» сарлавҳали мақолада бундай деб ёзади: АҚШ, Ғарбий Германия, Франция ва Англия империалистлари Бельгия агрессорларини бевосита ёки билвосита қўллаб-қувватлаб келдилар ва қўллаб-қувватлаб турибдилар.

Ер юзидаги барча тинчликсевар кишилар билан биргаликда Чехословакия жамоатчилиги ҳам Бельгия мустамлакачиларининг Конгодаги босқинчиликларини қаҳр-ғазаб билан қоралаб, ёш мустақил республикадан агрессорларни ҳайдаб чиқаришда амалий ёрдам берилишини талаб қилмоқда. «Руде право» газетаси «империалистлар агрессиясининг қурбонларига дарҳол ёрдам қўлини узатишга» даъват этмоқда. «Обрану лиду» деган бошқа бир газета бундай деб ёзади: Бельгия агрессорларининг Конгодаги қонли интервенция учун бутун жавобгарлик етакчи империалистик давлат бўлган АҚШнинг устига тушади.

Вьетнам информация агентлигининг хабар беришича, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Вьетнам комитети баёнот эълон қилиб, бу баёнотда Конгодан Бельгия ва Америка қўшинларини дарҳол олиб чиқиб кетишни ҳамда ана шу мамлакатнинг ички ишларига ҳар қандай аралашишни тўхтатишни ва унинг суверенитети ҳамда мустақиллигини ҳурмат этишни талаб қилган.

Париждан хабар беришича, умумий меҳнат конфедерацияси раҳбарлиги баёнот эълон қилиб, бу баёнотда «мустамлакачи ва капиталистик монополияларнинг Кубанинг мустақиллигига таҳдид солаётган агрессиясига қарши ҳамда ана шу мамлакатга Бельгия қўшинлари юборилаётганлигига қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдиради». Умумий меҳнат конфедерацияси раҳбарлиги Конго меҳнаткашлари ҳамда Конго халқини «ўз мустақилликларини ҳимоя қилишда ва бу мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган мардона курашларида улар билан тўла бирдам эканликлари» ҳақида ишонтириб, Конгодан Бельгия қўшинларини дарҳол олиб чиқиб кетишни, шунингдек Конго Республикасининг мустақиллиги ҳамда бутунлигини ҳурмат этишни талаб қилмоқда.

Покистонда чиқадиган «Морнинг ньюс» газетаси редакцион мақола босиб чиқариб, бу мақолада Конго халқининг адолатли талабларини қўллаб-қувватлайди. «Мустақил» Катанга вилоятини тузиш теварагидаги ҳархаша, деб ёзади газета, Бельгиянинг ҳийла-найранги бўлиб, бунинг пировард мақсади ана шу вилоятни тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан оккупация қилишдан иборатдир».

22 июль (ТАСС).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/VII да кечқурун **Масхарабозлар ва Концерт бўлими.**

АНДИЖОН МУЗДРАМА ТЕАТРИ (Муқимий номли театрнинг ёзги биносида) — 24/VII да **Лайли ва Мажнун**, 25/VII да **Ишқ билан ўйнашма.**

КИНО

Юртдан узоқда — қишки «ВАТАН», қишки НАВОИЙ номли, «ЁШ ГВАРДИЯ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (2-залда) — кундуз ва кечқурун, ёзги «ВАТАН» (кеч соат 9-10 ва 10-50 минутда), «ХЕВА» (кеч 9-15 минут ва 11 да), ПУШКИН номли (кеч 9-10 минут ва 11 да), «УДАРНИК» (кеч 9-15 минут ва 11 да), ёзги НАВОИЙ номли (кеч 9-10 ва 10-40 минутда).

Рим каникуллари — «МИР», қишки СОБИР РАҲИМОВ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ШУҲРАТ» (кеч соат 9 ва 11 да), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 9-15 минут ва 11 да), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 10-40 минутда), ТЕЛЬМАН номли (кеч 9 ва 10-50 минутда), КАФАНОВ номли (кеч 9 да).

Буюк Карузо — қишки НАВОИЙ номли (кеч соат 10 да).

Руслар совғаси — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Сукунат оламида, Жизель — КИНОЛЕКТОРИЙ.

Алангали йиллар (кеч соат 9-10 минутда), **Аршин мололон** (кеч 10-40 минутда) — «ОКТЯБРЬ».

Сени излайман — КАФАНОВ номли (кеч соат 11 да).

«Комета» матроси — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 9.20 минутда).

Қалдирғоч — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 3 ва кеч 7 да).

Чегарага қадам қўяй деганда — ёзги СОБИР РАҲИМОВ номли (кеч соат 9 ва 11 да).

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРНИНГ ЁЗГИ БИНОСИДА

26, 27, 28, 29 июлда

Ҳиндистон халқ рақс ва музика ансамблининг

концертлари

Ансамбль раҳбари — **Р. Важифдар.**

Кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Чақарариқ кўча, 18-уйда турувчи **Мели Шонировнинг** Ўқчи кўча, 144-уйда турувчи Муҳаррам Умаралиевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 7-участка халқ судида кўрилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, *«Правда Востока» кўчаси 26 уй*

КОММУТАТОР — 26334, 33262. **Редакция бўлимларининг телефонлари:** партия турмуши — 27604. Пропаганда — 31226. Саноат ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 27604. Қишлоқ хўжалиги — 34455. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 34524. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 33469, 32347. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 01959. Нашр. А. № 171.